



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
15-aprel
chorshanba
№ 15 (1493)


Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * f Hurriyat gazetasi

ТАРАДДУД


Зомин тоғларини ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш ташаббуси муҳокама қилинди

Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси кўмагида ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси маркази ҳамда Ўзбекистон Экология ва иқлим ўзгариши миллий кўмитаси вакиллари ўртасида онлайн мулоқот ташкил этилди.

Ушбу онлайн учрашув "Зомин тоғлари" табиий ҳудудини ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича номзодлик ҳужжатларини тайёрлаш жараёнларига бағишланди.



Zomin Mountains
(Republic of Uzbekistan)
Nomination Dossier



ларнинг ҳудуднинг табиий хусусиятлари ва экологик аҳамиятини тўлиқ ва ҳолис акс эттириши муҳим экани кайд этилди.

Учрашув давомида ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси маркази номзодлар бўлими раҳбари Алессандро Бальсамо ҳамда ушбу бўлим мутахассиси Тьяго Лопес Ўзбекистон томонидан тайёрланган дастлабки материалларга юқори баҳо берди. Улар "Зомин тоғлари" ҳудудининг ўзига хос табиий ландшафтлари, биологик хилма-хиллиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бойлиги ҳамда унинг табиий меросини алоҳида эътироф этди.

ЮНЕСКО экспертлари Ўзбекистон томонига номзодликни тайёрлашнинг барча босқичларида услубий ва экспертлик кўмагини кўрсатишга тайёр эканини билдирди. Шу муносабат билан улар Бутунжаҳон маданий

ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция ҳамда унинг қўлланмаси талабларига мувофиқлаштириш бўйича амалий тавсиялар берди.

Мулоқот чоғида номзодлик ҳужжатларини янада тақомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда илмий асосларни кучайтириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар ҳам муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида "Зомин тоғлари" номзодликни тайёрлаш босқичида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича келишувга эришилди. Томонлар ушбу табиий ҳудудни ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритишга қаратилган кейинги амалий вазифаларни белгилаб олди.

"Дунё" АА.
Париж шаҳри.

ЭЪТИБОР



АҚЧАКЎЛ ИЛҲОМЛАРИ ҚАЙТА КЎЗ ОЧДИ

Янги оҳанглар янгради...

Баҳорнинг муродбахш кунларидан бирида Элликгачи қалъада овозлар жаранглади. Бу жарангдор овозлар Ақчақул қирғоқларига бош уриб қайтди. Тўққиз йилдан буён мамлакатимизнинг барча жойидан келадиган иқтидорли ва истеъдодли ёшларни кутавериб кўзлари тўрт бўлган Ақчақулнинг соғинчлари ушалди гўё...

- * Тўққиз йиллик танаффусдан сўнг "Ақчақул илҳомлари" яна қайтадан ташкил этилди.
- * Бўстонда Абдулла Ориповнинг бюсти очилди.
- * Дашт ўрнида ҳазрати инсон меҳнатидан БЎСТОН юз очди.
- * Ёш иқтидорлар кашф этилди.

Сўлим Амударёнинг зилол сувларида тобланган Элликқалъадаги "Ақчақул илҳомлари" танлови ўзгача бир тарзда бошланди ва кўнглиларни шод этди.

Элликқалъани пойтахтдан келган бир гуруҳ адиблар, рассомлар ашъорлари билан янада тўлқинлантириб юбордилар. Ташриф буюрган ёшларнинг ўзгача оҳанглари юракларни титратди гўё...

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан ташкиллаштирилган сахналар, гўзал бир тадбирлар қалбларга роҳат, кўзларга қувонч ҳадя этди гўё...

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид, таниқли шоирлар Ғайрат Мажид, Фарида Афрўз, Махмуд Тоир, Рустам Мусурмон ва бошқа яна бир қанча сўз соҳибларининг ҳар бир чиқши юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди.

2-6

ФАОЛИЯТ

Тасвирий санъат инсоният цивилизациясининг энг қадимий ва таъсирчан ифода воситаларидан бири сифатида инсон тафаккури, ҳис-туйғулари ва борлиққа муносабатини бадиий образлар орқали намойён этади. Рассомлик, ҳайкалтарошлик, графика, маҳобатли ва декоратив санъат турлари орқали жамиятнинг маънавий ҳолати, тарихий тараққиёти ва маданий қиёфаси шаклланади. Тасвирий санъат нафақат эстетик қадрият, балки ижтимоий оғни шакллантирувчи ва авлодлар ўртасида маънавий меросни узвий боғловчи муҳим механизм ҳисобланади.



ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР САМАРАСИ



Шу нуқтаи назардан, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолияти нафақат олий таълим тизимининг муҳим бўлини, балки миллий санъатни ривожлантириш, уни илмий асослаш ва халқаро миқёсда тарғиб этишга хизмат қилувчи комплекс институционал модель сифатида намойён бўлмоқда.

Институт фаолиятида таълим жараёни билан бир қаторда талабаларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масаласига ҳам устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда талабалар яшайдиган ижара хоналарида ўтказилаётган ўрганишлар амалий аҳамият касб этмоқда. Хусусан, институт раҳбарияти бошчилигида ташкил этилган ташрифлар давомида талабаларнинг яшаш шароити, моддий таъминоти ва кундалик эҳтиёжлари атрофида таҳлил қилинмоқда. Бевоқиф

мулоқот жараёнида уларнинг муаммолари ва таклифлари тингланиб, ижарада яшовчи талабалар учун мавжуд имтиёزلардан самарали фойдаланиш бўйича тушунтиришлар берилмоқда. Бу эса талабаларнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг таълим жараёнига бўлган эътиборини кучайтириш ва мотивациясини оширишда муҳим омил сифатида намойён бўлмоқда.

Глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги даврда миллий санъатни асраш ва ривожлантириш масаласи алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Замонавий ахборот технологиялари, рақамли платформалар ва янги медиа воситалари санъатнинг янги шаклларини юзага келтирмоқда.

3-6

РЕПОРТАЖ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ — ОБОДЛИК ВА БИРЛИК МАНЗИЛИ



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида Тошкент вилоятида медиатур ўтказилди



Маҳалла — халқимиз учун Ватаннинг азии парчаси, бебаҳо қадриятларимиз бешиги, меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик маскани. Эҳтиёжманд, муҳтож оилаларга кўмак бериш, бир-бирларига елкадош бўлиш каби эзгу одат ва анъаналаримиз айнан маҳалла тимсолида намойён бўлади. Биз барпо этаётган Янги Ўзбекистонда маҳалла инсон қадри улугланганидан, ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган, қонун устуворлиги мустаҳкам қарор топадиган фуқаролик жамиятининг асосидир.



4-6



МАТОНАТ

13 ДАҚИҚА

Яқинда ҳамкасбларимиздан бирини нафақага кузатамиз: бутун умрини инсонлар ҳаётини кутқаришга бағишлаган кутқарувчини. Аслида, бир касбда бутун умр ишлаб, охирида жамоа ардоғида, ҳурмат-эҳтиром билан кузатилиши — ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бахт. Кимнингдир умри, кимнингдир сабри етмайди бунгача. Шунинг учун касбий саодатга эришган катта кутқарувчиларга ҳаммаша ҳавасда қараймиз. Уларга ҳавас қила-қила, бугун ёнғин ўчирувчи-кўтарувчиликда касб машаққатларини машаққат демай ишлаб келаётганлар кўп. Улар орасида мен ҳам борман.

қарувчи у томон югурдик. Уни ҳарчанди кутқаришга тиришмайлик, бола яқинлашишга йўл бермасди. Ўсмир ақлан заифлиги боис атрофда нима бўлаётганини тушунмас, фақат қичқиради, ҳамма нарсани отиб, синдирад эди. Шу пайт она: "Мен болам билан қоламан, кетаверинглар", деди... (!) Она бабириб она экан, фарзанди учун жонини беришга шай. Аммо бунақаси кетмайди. Ташлаб кетиш бизга хос эмас. Қоним қайнади. Йўқ, биз ҳеч кимни ташлаб кетмаймиз! Биз кутқарувчимиз, касалми-соғми, хоҳлайдими-хоҳламайдими, ҳар қандай одамни кутқаришимиз шарт. Шундай ўй ва сониялар ичида боланинг кўл-оёғини боғлаб, даст кўтардим. Кўтардим-у, дастга қараб югурдим. Энди устимда 40 килолик "юк" икки қаррага ошган эди. Энди эпикировка танамга сингиб кетгандай, одамларнинг бўғилаётганини аниқроқ кўрадим, йўталётган, чўқур-чўқур нафас олаётган одамларнинг овозларини ҳам тиникроқ эшитиб бошладим. Шифокорлардан бири кўлимдаги болани олганидан кейин ўзимга келиб, атрофга қарайман — ташқарига чиқибман. Шунчалар тез югурганимдан зиналар тугаб, кўчага чиқиб қолганимни бир он англамай қолдим.

Бу ҳамкасбимиз табиатан камгап одам бўлса-да, гоҳ-гоҳида кутқарув жараёнида ҳақида гурунглашиб қоламиз. Бу гурунлар оддий гурун эмас, инсон ҳаёти билан боғлиқ хулосалар, таҳлиллар, мулоҳазалар...

Навбатчилик қисмидаги оддий кунларимизнинг бирида шошилинч чақирув келиб тушди. Диспетчер тревога сигналинчи чалиши билан 3-5 сонияда машина олдида жамланиб, дарҳол манзилга етиб бордик. Кўп қаватли уйларнинг бирида кичик ёнғиндан катта қуюқ тутун ҳосил бўлган, одамлар тоза ҳаво талвасасида ўзларини деразга ураётган эди. "Тепадан ўзини ташласа, барбириб ўлади-ку, нима қилади ташлаб?" — дейишингиз мумкин. Жон талвасасида одам ўзини бошқара олмайди, бундай вазиятларда одам мулоҳаза қилиб ўтирмайди. Уша чақиривда биз ҳам шундай вазият устига келиб қолган эдик: дарҳол одамларни кутқаришга киришдик.

Тўртинчи қаватдан одамларни олиб тушишга, ёнғинни ўчириб, хавфни бартараф қилишимизга 13 дақиқа кетди. Аммо бу 13 дақиқа кутқарувчи учун гўё бир неча соатдай туюлади.

Тепадан ўзини пастта ташламоқчи бўлган кишини дераза раҳидан тушириб, кислород баллонига қўшимча ниқоб улаб, унга узатдим. Одам нафас олиши енгиллашгач, елкасидан суяб, ташқарига олиб тушдим.

Ташқарига чиқиб, уни шифокорларга топшириб, яна тепага югурман. Ҳар бир кутқарувчи бир тушганда икки-учталаб одамни кутқаришга тиришади: болаларни кўтариб, катталарни суяб олганимиз. Ўнгимизда 40 килопар атрофидаги махсус эпикировка билан тўрт қават орасида югурамиз. Шу пайт хонадонлардан бирида ақли заиф ўсмир борлиги хабари келди. Икки қут-

Ана-мана дегунча она-болани соғсаломат пастта олиб тушиб, тиббий ходимларига топширганимдан сўнг елкамдан тоғ ағдарилгандай туйилди. Мана шундай тигиз дақиқалар ичида 26 кишини кутқардик. Хавф бартараф қилинди, одамлар кутқарилди, уйлар катта талафотдан асраб қолинди. Қандай яхши!

Аммо ўтган ўн уч дақиқа хулосаси бир олам эди. Жон талвасида ўзини тепадан ташламоқчи бўлган одамларни кутқарганимиздан сўнг ўзларига келгач, бизга миннатдорлик билдиришгани, руҳан заиф ва тутқич бермас ўсмир йигитчини кутқарганимизга бизни ўз фарзанди каби дуо қилган она нигоҳи, болалар кулгиси бутун экилаб аъзоларига қанча куч бергани анча кунгача унутилмади. Буларни айтиб берад эканман, нафақага чиқиб арафасидаги уста кутқарувчимиз табассум билан: "Бу кутқарувчи учун оддий хол", деб елкамга уриб қўйди-ю, яна ишга шўнғиди.

Юнусобод тумани Фавқулодда вазиятлар бошқармаси 16-кўтарув кисми катта йўриқчи-кўтарувчиси, кичик сержант Дилшод Ашурматовнинг ҳикоясини журналист Юлдуз ҲРМОНОВА оқка кўчирди.

АҚЧАКЎЛ ИЛҲОМЛАРИ ҚАЙТА КЎЗ ОЧДИ

1-6

Ўзбекистон Қаҳрамони, севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг умр йўлдоши Ҳанифахон аянинг ҳамда фарзанди Шоирахон Орипованинг сўзлари, ташрифлари бутун танлов иштирокчиларини мамнун этди. Ҳанифахон аянинг устоз шоиримиз Абдулла Ориповга бағишлаб ёзган шеър, чексиз соғинч ва эҳтиромлар, гўзал назм дурдоналари кўзларимизни ёшлантирди...

Эллиқалъада танлов кунда янги очилган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бостини кўрганмизда, устоз қаршимизда гавдалангандек бўлди...

— Биз ҳамон Абдулла Ориповдан ўрганамиз, — деди Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид устознинг бости қошида, — шу муқаддас маъвода устознинг излари қолган, Устознинг сўзлари қолган, Устознинг бетакрор фикрлари, эътирофу ҳикматли назмлари ҳамон жаранглаётгандек... Биз бу бюстнинг ўрнатилишидан мамнунмиз. Устозга бўлган ҳурмат ва иззатдан хурсандмиз. Устознинг тақлифлари ва ташаббуслари билан "Ақчақул илҳомлари" республика танловига тамал тоши қўйилган эди. Мана, орадан тўққиз йил ўтиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг адабиётга, маънавият ва маърифатга эътибори, гамхўрлиги сабабли яна ушбу танлов — адабиёт ва санъат байрами қайта тикланди. Бу дийдорлашувни мамлакатимизнинг кўпчилик аҳолиси соғинч билан кутган эди...

Танлов иштирокчилари бўлган назм ва наср илосмандлари — Абдулла Ориповнинг шогирдлари, бугунги ёшларнинг қаламидан тўкилган дурдоналар жуда ҳароратли ва бетакрор эди. Уларнинг жозибали сатрларида Янги Ўзбекистон юз очгандек, бор буй-баста билан намоян бўлгандек... Уларнинг асарларида юртимизнинг меҳнатқаш, самимий, оққўнғил инсонлари шу азиз тупроқни янада гуллашти ишқиди ҳалол меҳнат қилишаётганлиги ифода этилади. Бу инсонлар ўзлари туғилиб ўсган жойини ўзлари дунёга келган, киндик қони томган тупроқни азиз билишади. Бу инсонлар шоирларнинг шеърларида, адилларнинг асарларида яшашади, санъаткорларнинг оҳангларида юз очишади... Ёшларнинг сатрларида жаранглаган туйғулар соф, мусаффо. Уларнинг интилишлари, тасаввурули, илҳомлари гўзал. Ёшларнинг Ватанга муҳаббати ўзларининг қалбидан тошган шеърларида акс садо беради...

Ўзбекистон халқ россоми Акмал Нурнинг ташрифи санъат илосмандларини янада хушнуд этди. Унинг шогирдлари танлов доирасида сеҳрли қаламлари воситасида манзараларни бетакрор ҳолда ифода этишди. Тасвирий санъат соҳасининг иқтидорли ёшлари юраклариди ошуфталиқларни, юртимизнинг гўзаллигини қозоғга муҳрлашди. Она Ватанимизнинг, жонажон юртимизнинг, азиз тупроқнинг ҳисларини, туйғуларини, ўтмиши ва келгусини тараннум этишди. Бир-биридан гўзал манзаралар яратилди...

Муаллима эса хокисор бўлиб турибди. Музтар бўлиб турибди. Эмизикли фарзандининг она меҳрига тўймай қолганлигидан изтироб чекиб турибди. Меҳр ва муҳаббат билан АДАБИЁТни ўрганаётган ўқувчиларига тайёрлаган сабоқларини беролмай қолганига афсус чекиб, надомат билан қараб турибди...

Муаллиманинг пойига қўйилган гулдасталар буюк УСТОЗга чексиз ҳурмат ҳиссини ифода этди. Муаллима ўзининг пойига қўйилган гулдасталарни кўриб, секингина жилмайиб кўйгандек бўлади, назаримда. Ёнидаги ўқувчининг бошини силлагандек туюлади. Жилмайиши баробарида "Мен ҳаммангизни яхши кўраман" деяётгандек туюлади. Ҳатто дафтар топширмай қолган етти нафар ўқувчини ҳам кечиргандек...

Танлов иштирокчилари бўлган назм ва наср илосмандлари — Абдулла Ориповнинг шогирдлари, бугунги ёшларнинг қаламидан тўкилган дурдоналар жуда ҳароратли ва бетакрор эди. Уларнинг жозибали сатрларида Янги Ўзбекистон юз очгандек, бор буй-баста билан намоян бўлгандек... Уларнинг асарларида юртимизнинг меҳнатқаш, самимий, оққўнғил инсонлари шу азиз тупроқни янада гуллашти ишқиди ҳалол меҳнат қилишаётганлиги ифода этилади. Бу инсонлар ўзлари туғилиб ўсган жойини ўзлари дунёга келган, киндик қони томган тупроқни азиз билишади. Бу инсонлар шоирларнинг шеърларида, адилларнинг асарларида яшашади, санъаткорларнинг оҳангларида юз очишади... Ёшларнинг сатрларида жаранглаган туйғулар соф, мусаффо. Уларнинг интилишлари, тасаввурули, илҳомлари гўзал. Ёшларнинг Ватанга муҳаббати ўзларининг қалбидан тошган шеърларида акс садо беради...

Ўзбекистон халқ россоми Акмал Нурнинг ташрифи санъат илосмандларини янада хушнуд этди. Унинг шогирдлари танлов доирасида сеҳрли қаламлари воситасида манзараларни бетакрор ҳолда ифода этишди. Тасвирий санъат соҳасининг иқтидорли ёшлари юраклариди ошуфталиқларни, юртимизнинг гўзаллигини қозоғга муҳрлашди. Она Ватанимизнинг, жонажон юртимизнинг, азиз тупроқнинг ҳисларини, туйғуларини, ўтмиши ва келгусини тараннум этишди. Бир-биридан гўзал манзаралар яратилди...

Эллигинчи қалъани яратишда бош-қош бўлган, шу кум ва даштдан иборат бўлган замин ўрнида жаннатмакон бир бўстонни яратган инсон, Эллиқалъа тумани марказини БУСТОН деб атаган олим Неъматулла Худойбергановнинг қадамини бутун бир юрт муносиб баҳолади, муносиб иззат-ҳурмат кўрсатишди, муносиб тақдирлашди. Шоирларнинг шеърларида куйга солинди бу замин, рассомларнинг асарларида оддий дашт ўрнида БУСТОНни яратган инсон меҳнати туйғули даштда ГУЛИСТОН кўз очди. Ҳар бир қадамда боғ яратган, ҳар бир қадамни яшиллик дунёсига айлантира олган ҳоким, шоир, адиб ва олим дея олқишланадиган Ҳазрати Инсоннинг меҳнатлари бугун тилларда дoston бўлмоқда, заҳматлари ўз мевасини кўрсатмоқда... Дашт ўрнида гуллар, боғлар кўзларни қувонтиради. Янгидан-янги бинолар қад ростлади, сўлим бир масканга айланди Эллиқалъа!

Танлов бошланишида ва якунида ижро этилган кўшиқлар сахналарни титратди гўё. Худди Отажон Худойшукров, Бобомурод Ҳамдамов тирилик келгандек бўлди...

Ёшларнинг овозлари бетакрор, жарангдор, тиниқ ва ширали... Танловда Абдулла Орипов туғилди, Отажонлар қайтадан дунёга келди, Акмал Нурнинг издошлари намоян бўлди. Улар бизнинг ворисларимиз, улар Янги Ўзбекистоннинг хур ва озод иқтидорли ёшларидир!

Энг ҳайратланарлиси, кўнгилларни сел этган кўшиқлар ижросиси Тамара Дошумованинг ташрифи бўлди. Қарсақлар қарсақларга уланди. Тамара опаниқ бетакрор овозлари узоқ-узоқларга етиб борди. Ҳатто Қизилқум ва Қорақум бағридаги барханларни бир силкитиб, тебратиб ўтгандек бўлди. Унинг оҳанглари Ёнбос қалъаларни, Тупроққалъаларни эритди, Бўзатоз этакларига етиб борди.

Илми, дунёқарашни кенг, келажакка интилишчан, Янги Ўзбекистон қурувчилари бўлган ёшларнинг соҳир овозлари янграган танловдан ҳамма хурсанд бўлди. Янгидан-янги иқтидорлар кашф этилди. Уларга қимматбахо совғалар ва фахрий ёрлиқлар ҳадя қилинди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ХУДУДИЙ БЎЛИМЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўлимларининг умумий йиғилишлари бўлиб ўтди. Қизгин муҳокамалар руҳида ўтган тадбирларда ҳудудий бўлимларнинг 2021-2025 йиллардаги фаолияти таҳлил қилинди ва навбатдаги устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Сўзга чиққанлар бугунги давр оммавий ахборот воситалари олдида янги вазифаларни кўяётганини, ислохотлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда журналистлар ҳар қачонгидан фаол бўлиши лозимлиги ва бунинг учун Уюшма ҳудудий тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш зарурилигини ҳам таъкидладилар.

Умумий йиғилишларда уюшма бўлимлари тафтиш комиссияларининг ҳисоботлари эшитилди. Ҳудудий бошқарувларнинг янги таркиби, тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг навбатдаги Конференциясига делегатлар сайланди. Ҳудудий бўлимларнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" тасдиқланди. Тadbирларда бир гуруҳ журналистларга уюшманинг аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Умумий мажлислар ишида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Шухрат Орипов иштирок этди.

МЕДИАҲАФТАЛИКЛАР ҚИЗГИН ЎТМОҚДА

Глобал ахборот маконидаги шиддатли ўзгаришлар, ижтимоий тармоқлар ва сунъий интеллектнинг ривожланиши, фейк хабарлар оқими медиа соҳаси вакилларидан янги талаб этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ҳудудларда медиахафталиклар бўлиб ўтмоқда. Хусусан, шу каби тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида муваффақиятли ўтказилди.

5 кун давомида ҳудудларни ҳақиқий медиамайдонга айлантирган, мигдан ортиқ иштирокчилар, матбуот котиблари, журналистлар, блогерлар, "SMG" мутахассислари ва мобилографларни ўзига жалб қилган тадбирлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фойдали бўлди. Медиахафталиклар шунчаки жараён эмас, балки медиаоламда қандай фикр-



лаш ва фаолият олиб боришни ҳис қилдирадиган муҳит яратди. Иштирокчиларни мастер-класслар, реал кейслар, блогерлар билан учрашув ва "networking" имкониятлари қарши олди. Ижтимоий тармоқлар билан ишлаш ва мобилография буйича маҳорат дарслари ўтказилиб, ижодкорлар реал тажриба ва фойдали кўникмаларга эга бўлишди. Ҳаф-

талик доирасида журналистика, рақамли медиа ва ахборот технологиялари йўналишларидаги муҳим мавзулар муҳокама қилинди.

Тadbирлар якунидаги медиафорумлар эса соҳа вакиллари бўлган журналистлар, блогерлар ва экспертларни бир майдонга жамлади. Унда замонавий журналистика ривожини, сўз эркинлигини, рақамли платформалар имкониятлари ҳамда ахборот хавфсизлиги масалалари юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.

Республикада йилнинг энг йирик ва муҳим ўқув-амалий лойиҳаси бўлган медиахафталик эстафетасини шу йилнинг 13 апрелидан Сурхондарё вилояти қабул қилиб олди. Ушбу хафталик доирасидаги тадбирлар Сурхон воҳасида 17 апрелга қадар давом этади.

ЖУРНАЛИСТЛАР САМАРҚАНДА

Яқинда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Туризм қўмитаси ҳамкорлигида Самарқанд вилоятининг туризм масканларига пресс-тур ташкил этилди. Унда оммавий ахборот воситалари ходимлари ва "FikrLab" ёш журналистлар клуби аъзолари иштирок этишди.



Пресс-тур давомида даставвал Амир Темур мақбараси зиёрат қилиниб, буюк саркарда ва давлат арбоби хотирасига ҳурмат бажо келтирилди. Бу ерда ушбу муқаддас масканнинг тарихи ва меъморий ечимлари ҳақида маълумотлар олинди.

— Биз бу қадамга келиб, унинг тарихий аҳамиятини янада чуқурроқ англадик, — деди "Daryo.uz" интернет наشري мухбири Олим Сафоев. — Мақбаранинг тарихий аҳамияти билан бир қаторда, бу жойдаги меъморий кўринишлар ҳам диққатга лойиқ. Шунингдек, бу йил "Амир Темур ойлиги" муносабати билан юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилаётган тадбирлар бизга аждодларимиз тарихини янада кенг еритишга катта имконият яратмоқда. Ижодий савҳатимиз давомида интернет нашримиз учун ушбу зиёрат хусусида кўрсатув тайёрладик.

Иштирокчилар Имом ал-Бухорий мажмуасининг янгиланган қиёфаси, бу муқаддас масканга ташриф буюрувчилар учун яратилган замонавий шароитлар билан ҳам танишдилар. Бу манзилдаги буюк аждодимиз мероси ҳақида берилган маълумотлар янги журналистик материаллар тайёрлашга замин бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан кўна ва ҳаммиса навқирон Самарқандга сафар юртимизнинг бой маданий меросини тарғиб этишда катта аҳамиятга эга бўлди.



Кейинги мулоқотда эса журналистлар, жамоатчилик вакиллари ва ижтимоий тармоқ фаоллари иштирок этдилар. Унда бугунги ўзбек журналистиксининг тенденциялари, журналистнинг бурч ва масъулияти, касб этикаси ва соҳа вакиллари хуқуқий ҳимоялаш, тахририятларнинг моддий аҳолини янада яхшилаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Учрашувда иштирокчиларга Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг режалари ва янги лойиҳалари ҳақида ахборот берилди. Жамоатчилик вакиллари лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорликка тақлиф этилди. Хусусан, "Олтин қалам" кўрик-танловини ўтказишда очқиклик ва шаффофликни таъминлаш борасида тақлифлар билдирилди.

Мулоқот якунида клуб йиғинларини доимий ўтказиб боришга ва унда журналистика соҳасининг энг долзарб масалалари буйича давлат идораларига тақлифлар тайёрлашга келишиб олинди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР САМАРАСИ

1-6

Шу билан бирга, анъанавий санъат турларини замонавий таълим асосида қайта талқин қилиш, уларни халқаро маданий маконда тарғиб этиш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Бу жараёнларда олий таълим муассасаларининг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти мамлакатимизда таълимий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик ва музейшунослик соҳаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган етакчи илмий-таълим муассасаси сифатида фаолият юритмоқда. Институт ўз фаолиятида таълим, илмий тадқиқот ва ижодий амалиётни уйғунлаштирган ҳолда миллий санъат мактабини ривожлантиришга ҳизмат қилмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат раҳбарининг тасвирий ва амалий санъатни янада

янги ёндашувлар жорий этилган. Жумладан, юқори бадиий савияда яратилган ижодий асарларни монографияга тенглаштириш амалиёти йўлга қўйилди. Бу ижодкор педагогларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларнинг илмий даража ва унвонларга эришиш имкониятларини кенгайтиришга ҳизмат қилади. Ушбу ёндашув амалий санъатнинг илмий аҳамиятини ошириш билан бирга, ижодий изланишларни рағбатлантиради.

Бундан ташқари, институтда ташқи ўриндошлик асосида фаолият юритаётган, илмий даража ва унвонга эга ижодкор педагог кадрлар (ассосий иш жойи бошқа олий таълим муассасалари бўлган ходимлар бундан мустасно) муассасанинг илмий салоҳиятини баҳолашда инobatга олинади. Бу ёндашув илмий ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, юқори малакали мутахассисларни таълим жараёнига жалб этиш ҳамда ўқув фаолияти сифатини оширишга ҳизмат қилади. Шу орқали ижод ва фан соҳасида танилган тажрибали кадрларни институт фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш имкони яратилади. На-

кучайтириш имконини беради. Ёруғлик тизими, экспозиция жойлаштириш имкониятлари ва техник жиҳозлар ижодий ишлар мазмунини тўлиқ очиб беришга ҳизмат қилади.

Ўзбекистон Бадиий академияси академиклари асарлари билан бошланган илк кўргазма миллий санъат мактабининг давомийлигини таъминлаш, устоз-шогирд анъаналарини мустаҳкамлаш ва ёш истеъодларни қўллаб-қувватлашда муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга, кўргазмалар зали ёш ижодкорларнинг ўз асарларини намойиш этиши, тажриба алмашиши ва профессионал муҳитда ўзини синиб кўриши учун қўлай имконият яратди. Бу эса уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш, бадиий дидини шакллантириш ва миллий ҳамда жаҳон санъати анъаналарига уйғунлашган ҳолда янги изланишларга рағбатлантиради. Умуман олганда, мазкур кўргазмалар зали институт ҳаётида муҳим маданий-маърифий марказ бўлиб, таълим, илмий изланиш ва ижодий фаолиятни уйғунлаштирувчи самарали платформа сифатида ҳизмат қилмоқда.



ривожлантиришга қаратилган қарори соҳада тизимли ўзгаришларни амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Ушбу қарор доирасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва инновацион технологияларни жорий этиш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Хусусан, 2026-2027 ўқув йилидан бошлаб институтда жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари стандартларига мос келувчи янги таълим дастурлари жорий этилиши режалаштирилган. Бу дастурлар талабаларга замонавий билим ва кўникмаларни халқаро мезонлар асосида эгаллаш имконини беради. Таълим жараёнида амалий машғулотлар, лойиҳа асосида ўқитиш, креатив фикрлашни ривожлантиришга қаратилган усуллар кенг қўлланилади. Натижада битирувчилар нафақат миллий, балки халқаро меҳнат бозорига ҳам рақобатбардош мутахассисларга айланади.

Институтда илмий салоҳиятни ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий таълимдан кейинги таълим тизимини самарали ташкил этилган бўлиб, санъатшунослик йўналишида илмий изланишлар олиб бориш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Иختисослаштирилган диссертация кенгашининг фаолияти илмий кадрлар тайёрлаш тизимини мустаҳкамлашга ҳизмат қилмоқда. Профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий ишларини халқаро журналларда чоп этиш орқали миллий илмий мактабнинг нуфузи оширилмоқда.

Шу билан бирга, институтда ижодий фаолиятни илмий фаолият билан интеграция қилишга қаратил-

тижада муассаса ўз кадрлар базасини кучайтириб, илмий-ижодий салоҳиятини оширган ҳолда халқаро рейтингларда юқори кўрсаткичларга эришиш учун зарур шарт-шароитларни шакллантиради.

Кадрлар тайёрлаш тизимида амалга оширилаётган яна бир муҳим аниқлик — битирувчиларга умумтаълим мактабларида фаолият юритиш имкониятини берилишидир. Психология ва педагогика фанларини ўзлаштирган бакалаврият ва магистратура битирувчиларига тасвирий санъат фанидан дарс бериш ҳуқуқи берилиши ёш мутахассисларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса таълим тизимида санъат фанларининг ўрни ва аҳамиятини янада оширади.

Давлат томонидан ижодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳам изчил такомиллаштирилмоқда. Ижтимоий соҳа объекти қурилишида бадиий ишлар учун маблағ ажратиш, давлат бююртмаси асосида тематик асарлар яратиш тизимининг жорий этилиши ижодкорлар учун янги имкониятлар яратди. "Янги Ўзбекистон манзаралари", "Буюк алломалар" ва "Замон қаҳрамонлари" каби лойиҳалар миллий гоа ва кадрларнинг тарғиб этишда муҳим ўрин тутди.

Институт ҳузурида ташкил этилган замонавий кўргазмалар зали таълим ва ижодий жараёнларни интеграция қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маскан талабалар, педагоглар ва мустақил ижодкорлар учун очик платформа бўлиб, турли кўргазмалар, ижодий учрашувлар ва илмий-амалий тадбирлар ўтказиш имконини беради. Кўргазмалар залида яратилган замонавий инфратузилма асарларни профессионал даражада намойиш этиш, уларни кенг аудиторияга етказиш ҳамда эстетик таъсирчанликни

Халқаро ҳамкорлик ҳам институт фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Профессор-ўқитувчиларнинг хорижий олий таълим муассасалари, музейлар ва галереяларда малака ошириши, қўшма илмий ва ижодий лойиҳаларда иштирок этиши миллий санъатни жаҳон миқёсида тарғиб этишга ҳизмат қилади. Бу эса маданий мулоқотни ривожлантириш ва тажриба алмашиш имкониятларини кенгайтиради.

Замонавий санъат тараққиёти рақамли технологиялар билан чамбарчас боғлиқ. Рақамли графика, "3D" моделлаштириш, анимация ва мультимедиа санъати каби йўналишларнинг ривожланиши таълим жараёнига ҳам янги талаблар қўймоқда. Институтда ушбу технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш орқали талабаларнинг инновацион фикрлашиш ва креатив салоҳияти ривожлантирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тасвирий ва амалий санъатни ривожлантириш мамлакатнинг маданий нуфузини ошириш, миллий меросни асраш ва уни жаҳон ҳамжамиятига тақдим этишда стратегик аҳамиятга эга. Бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, таълим тизимидаги янгиланишлар, келажакда юқори малакали, ижодий ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга ҳизмат қилади.

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси ушбу вазифаларни чуқур англаган ҳолда, миллий санъатни янада юксалтириш, унинг халқаро нуфузини ошириш ва замонавий ижодий мактабни шакллантириш йўлида изчил фаолият олиб боради.

Омонулла СА.ЛИХОВ,
Камолитдин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори.

ЎХАМКАСБ

Журналистнинг маълум бир соҳага ихтисослашиши бор гап. Аини пайтда "ихтисослашиш" журналистини ўзи танлаган, ёқтирган соҳа, мавзунини бир қадар мукаммал ўрганишга мажбурлайди. Яъни, бугун қайсидир туманда иш бошлаган янги санъат корхонаси ҳақида информация, эртага эса депутат билан учрашишдан ташқари, индинга илгор фермер тўғрисида очерк қоралайдиган "қирқ қўл" журналистлардан фарқи ўлароқ, танлаган мавзусига чуқур кириб бориш, қаҳрамони яшаган давр, сийбас "об-хавосидан нафас олиш"ига тўғри келади.



ЖАДИДШУНОС ЖУРНАЛИСТ

Сўнги йилларда жадидлар ҳаракати мавзуси олд қаторга чиқди: ОАВларда бир аср илгари юртимизни маърифатга ундаб, шу орқали истиқлолга эришиш ордусида яшаган жадид болалар ҳаёти, ижоди, фожиали умрлари изчил ёритила бошлади. Президентимиз ташаббуси билан "Жади" газетаси ташкил қилиниб, қисқа фурсатда ўз ўқувчиларини топди.

...Бундан ўттиз беш йиллар олдин — мустақиллик оstonасида ёш журналист Шарқия Эшчоновани Рустам Султонмуродов билан унга бир шахс ҳақида мақола ёзишни тавсия қилади. Рустам Султонмуродовнинг кейинги деярли етмиш йиллик даврида турли лавозимларда ишлаган, қурувчи сифатида бир қатор йирик санъат корхоналари қурилишига бош бўлган, собиқ шўро даврида вилоят маркази ижрокўми раиси, истиқлолдан кейин Урганчининг биринчи хокими бўлиб ишлаган инсон. Тўқсонни қоралаб қолган бу инсон ҳақиям фаол: "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимига раҳбарлик қилмоқдалар.

Шарқия Эшчонована журналистик фаолиятида кескин бурилиш ясаган ўша учрашув ҳақида шундай хотирлайди: "Рустам ака мендан "Марям Султонмуродова ҳақида эшитганимизми?" деб сўради. Чалароқ эшитганимни айтдим. "Ҳаёти фожиали кечган шу аёл менга яқин қариндош бўладилар. Сизга унинг Хоразмда ва Тошкентда яшаётган фарзандлари манзиллари ва телефон рақамларини бераман. Уларда жуда кўп эълон қилинмаган маълумотлар бор. Шуларни ўрганиб, бирор нарса ёзсангиз. Мустақиллик шунга имкон берапти-ку ахир!" дедилар. Марям Султонмуродова шахсига қизиқишим шундан бошланган..."

Шу ўринда Марям Султонмуродова ҳақида мухтасар эслатишга тўғри келади. 1914 йилда Хива хонлигида "Ёш хивалиқлар" ҳаракати тузилади. Ҳаракат тузилишига жадидлар таъсири жуда кучли бўлган. "Ёш хивалиқлар" ҳаракати етакчилари орасида жадидлар кўпчилигини ташкил қилган. Бу ҳаракат 1918 йилда хонлик ўрнида Хоразм Халқ Республикасини тузади. Янги республиканинг илк раҳбарларидан бири мулла Жуманиёз Султонмуродов эди.

Мулла Жуманиёз Султонмуродов жадидлар бошлаган эзу амалиёти — ёшларни хорижда ўқитиш анъанасини изчил давом эттириш тарафдорларидан эди. У бу ишни қизларини четга ўқишга юбориш орқали бошқа илгарақ чанқоқ ёшларни руҳлантирган. Мулла Жуманиёз Султонмуродовнинг 1905 йилда туғилган тўнғич қизи Марям 1922-1928 йилларда Германиянинг Мюнхен шаҳрида таҳсил олди. Таҳсил олиш жараёнида рус, немис, француз тилларини ҳам ўрганади.

Ўқишдан қайтган, бир муддат Хоразмда, сўнг Тошкентда турли вазифаларда — хотин-қизлар шўбасида, "Гулистон" журналларида ишлайди.

У 1937 йил 13 февралда НКВД томонидан қамоққа олинади ва унга "Германияда ўқиган вақтида "Озод Туркистон" ташкилотига аъзо бўлган" деган сийёсий айб қўйилади. Сохта айб билан қамалган аёлнинг ўн йилга яқин умри Қозон, Суздаль шаҳарларидаги хибсхоналарда ва Калимадаги "Дальстор" лагерига ўтади.

Қамоқ муддатини ўтаб Хоразмга қайтган, бирорта газета ёки журналга ишга олишмаган, ўз туғилган қишлоғи — Чирок қўртанга оддий хамшира бўлиб ишлаб, етим қолган болаларни тарбияси билан машғул бўлиш мажбуриятида қолади.

1949 йил 29 март куни у қайта қамоққа олиниб, олдинги жазо муддатини

учун асос бўлган сохта айбловлар билан яна қатагон тегиригига тушиб кетади.

Сталин вафотидан сўнг олиб берилган "илимилиқ" сийбас замонида озоликка чиқади. Гарчи олдин икки марта қамалганда қўйилган айблов сохталаштирилган деб оқланган бўлса-да, ўзи севган журналистик касбида ишлашига руҳсат берилмади.

Хорижда таҳсил олган хоразмлик биринчи журналист аёл умрини ўз қишлоғида ҳамширалик қилиб, оила тебратиш билан яқунлайди...

Шарқия Эшчонована аввалда бўлган султонмуродов фарзандлари билан учрашиб, шўро қатағони умрини пайҳон қилган мард ва иқтидорли аёл ҳақида туман ва вилоят газеталарида мақолалар эълон қилади.

"Марям Султонмуродованинг Урганчада яшаётган ўғли Омон ака билан гурунгаримиз асносида илк очеркни ёздим. Аммо бир очеркда қаҳрамонини сийрати ва суратини тўлиқ очиб бера олганимни, қолаверса, жанр бунга имкон бермаслигини англаб етдим ва изланишларимни давом эттирдим. Вақти келиб, бу изланишларим Марям Султонмуродова ҳақида рисола ва китоблар ёзишимга туртки берди", дея эслади Ш.Эшчонована.

Ш.Эшчонованинг "Умр йўлларидан" рисоласи Марям Султонмуродова ҳақида чоп қилинган илк китоб эди. Кейинчалик вилоят ва республика архивларида оилаб манбаларни излаш, қаҳрамони билан ўша узоқ — 30-йилларда бирга ишлаган ҳамкасблари эс-далиқларини йиғиш, фарзандлари қўлида сақланаётган асарлари, хатлари ва бошқа ҳужжатларни тадқиқ қилиш "Чирок қўртанга аёл" китоби дунёга келишига замин яратди. Бу китоб бир неча марта рус ва ўзбек тилларида чоп этилган.

Муаллиф бундан ташқари, Марям Султонмуродованинг шахсий ҳаётида рўй берган фожиаларни бадиий акс эттирувчи "Чин муҳаббат қиссалари" китобида қаҳрамони билан умр йўлларини боғлаган яна бир жадид Воис Керимий ўртасидаги ҳақиқий севгини ёзув тусида айлантирганини муҳозира тасвирлаган.

Фидойи журналист Шарқия Эшчонована ўттиз йилдан ортқ даврда Марям Султонмуродова ҳақида маҳаллий матбуотда ўнлаб мақолалар чоп қилдириди, маърифатга интилиб, умрини шўролар барбод қилган аёлнинг 90, 100 йиллик мавлуд саналари тантанали нишонлиниши жараёнига бош бўлди.

Қисқаси, жадидшунос деб ҳақиқи равишда таърифланишга лойиқ тинч-тинчмас журналист Шарқия Эшчонованинг Марям Султонмуродова ҳақида унга ҳамфикр, ҳаммаслак, ҳам-тақдир бўлган замондошлари — жадидлар ҳаракатига қўшилиб, уллардан руҳланган ўнлаб тарихий шахслар ҳақида ёзган рисола, китоблари ҳамми юз босма талоқдан ошади (утган йили Марям Султонмуродова ҳақида суратга олинган фильмда тасвирланган воқеаларнинг аксари Ш.Эшчонованинг кўп йиллик изланишлари самарасида очикланган маълумотлардан иборат эканлигини ҳам эслатиб ўтиш ўринли).

Ш.Эшчонована ойда бир бора чоп қилинаётган "Тумарис" журнали муҳарири бўлиб ишлаш билан бир вақтда, ҳали-ҳамон умри мазмунига айланган мавзудан узоқлашгани йўқ. М.Султонмуродова ҳақидаги тарихий роман устида ишлаяпти. Қаҳрамони ҳаётига оид янги манба ва маълумотлар тўплашда давом этмоқда.

Рўзнимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва
Журналистлар уюшмалари
аъзоси, "Дўстлик" ордени соҳиб.

МУАММО

ҚУШЛАР ХАВФ ОСТИДА

Ўзбекистоннинг табиати ва географик жойлашуви қушлар учун жуда қўлай. Бироқ сўнги йил йилликларда иқлим ўзгариши, яшаш жойларининг яроқсиз ҳолга келиши ва ноқонуний оёқ қилиш каби жиддий таҳдидлар бор. Натижада қушлар популяцияси қисқариб, уларнинг ноёб турлари камайиб борапти.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда жами 460 дан ортққ куш турини рўйхатга олинган. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатадики, хавфлар тобора ортмоқда. 2009 йилда Ўзбекистон Қизил китобига 48 турдаги куш киритилган бўлса, 2019 йилга келиб, уларнинг сони 51 тага етди. Умуман, дунё бўйича куш турларининг қариб 12—13 фоизи йўқолиб кетish хавфи остида. Сўнги ўн йилликларда глобал қушлар популяцияси ўртача 20—25 фоизга қисқарган. Ботқоқликларнинг қуриши, ўрмонларнинг кесилиши ва чўл худудларининг ўзлаштирилиши қушларни уясиз ҳамда озуксиз қолдиришмоқда.

Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги сув оқими ҳолатининг бузилиши йўрқа тувалоқ, олақанот ва шунқор

каби турларнинг камайишига сабаб бўлди. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигида ишлатиладиган неоникотиноид турларидаги кимёвий моддалар қушларнинг захарланишига, репродуктив имкониятларининг пасайишига олиб келмоқда. Браконьерларнинг ноёб лочин ва шунқорларни ноқонуний савдо мақсадида овлаши орқали ҳам қушлар популяциясига жиддий зарар етказилапти. Электр линияларининг қўлайлиши ва юқори қучланиши симлар қушлар ҳаётига жиддий хавф соляпти. Ҳар йили минглаб йирик қушлар ток уриши оқибатида ҳалок бўлади, электр чироқлари эса қушларнинг табиий йўналиш олиши ва фаолият вақтининг узгартириб, уларнинг ҳаёт ритмига салбий таъсир кўрсатапти. Сўнги йилларда қушлар сонининг камайиши тезлашиб, урбанизация ва санъатнинг кенгайиши табиатга босимини кучайтирмоқда. Натижада илгари қишлоқларда кенг тарқалган оддий қалдиргочлар ва чумқушлар ҳам йўқолиб борапти. Бу муаммо кўплаб давлатларда кузатилгани каби мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Дунё бўйлаб ҳар йили ўртача 21000 дан ортққ қушларнинг учоқлар би-

лан тўқнашиши қайд этилади. Бу кунига тахминан 50-60 та ҳолат дегани. Деярли барча тўқнашувлар қушлар учун ўлим билан яқунланади.

Ўзбекистон осмонда ҳам кўчиб юрୁвчи қушларнинг йирик йўли бўлмиш Марказий Осиё миграция йўли жойлашган. Баҳор ва куз ойларида миллионлаб қушлар бизнинг осмонимиздан учиб ўтади, самолётлар қатнови кўпайганда шу миграция йўлида авариялар содир бўлади. Бундай ҳалокатларнинг 90 фоиз қисми самолёт кўчирилган кетаяди, экинлар ҳўфисининг қолдиқлари ҳавони ифлослантиради. Бу нафақат қушларнинг нафас олиш тизими, балки улар озиқланганидан ҳашаротлар ва ўсимликларга ҳам зарарли таъсир кўрсатади. Аэропортларда парвоз олинган махсус орнитологик хизматлардан, яъни аэропорт худудидан қушларни ҳайдаш учун махсус овозлардан, ультратовушли қурилмалар ҳамда лазерли нурлардан фойдаланиш самолёт хавфсизлиги учун зарур, лекин қушларнинг табиий миграцияси ва



Яшаш занжирига катта хавфдир.

Агар қушлар бўлмаса, нима бўлади? Қушлар бутунлай йўқ бўлиб кетса, дунёда экологик мувозанат бузилади. Ҳашаротлар популяцияси нозиратсиз кўпайиб кетаяди, экинлар ҳўсилдорлиги кескин камаяди. Бу эса озик-овқат танқислигига ҳамда иқтисодий инқирозларга олиб келади. Озуқа занжирини ҳам бузилади. Қушлар табиатнинг катта бир қисми ва экотизмининг соғлом ишлатиш учун зарур. Агар сув ҳавзалари, тўқайзорлар сақлаб қолинмаса ва браконьерликка қарши қатъий курашилмаса, келажак авлодлар қушларнинг сайрашини фақат аудиоёзувларда, ўзларини эса китоб саҳифаларида кўради.

Зухра ОДИЛОВА,
Ўзбекистон Миллий университети
талабаси.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ — ОБОДЛИК ВА БИРЛИК МАНЗИЛИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида Тошкент вилоятида медиатур ўтказилди



МАҲАЛЛА — ВАТАН ИЧРА МУЪЖАЗ ВАТАН

1-6. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Шуҳрат Орипов ўртасидаги учрашувда ҳам мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан маҳаллаларга кўрсатилаётган катта эътибор ва чекис ғамхўрлик, маҳаллаларда амалга оширилаётган ислохотлар, рўёбга чиқарилаётган ўзгаришларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш ҳамда ҳамкорликни кучайтириш ҳақида сўз борди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди. Ушбу Меморандум ижросини таъминлаш, маҳаллаларда амалга оширилаётган ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий дастурлар, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ташаббуслар ҳамда илғор тажрибаларни кенг жамоатчиликка етказиш, шунингдек, уюшма фаолиятининг очкилик ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан самарали мулоқотни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан ҳамкорликда Тошкент вилояти ҳудудида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокิดа медиатур ташкил этилди.

“Янги Ўзбекистон маҳаллалари — ободлик ва бирлик манзили” шiori остида ўтказилаётган медиатур иштирокчилари билан дастлаб Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси ўринбосари Долли Аллаев уюшма марказий биносидан мулоқот қилди.

— Маҳалла ноёб тузилма, уни жамиятимиздаги барча жараёнларни тўлиқ акс эттирадиган ўзига хос кўзгу дейиш мумкин, — деди раис ўринбосари. — Маҳалла Ўзбекистонимиз имихи, давлат билан халқ ўртасидаги кўприк. Президентимиз раҳбарлигида сўнгги йилларда маҳалла тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг институционал салоҳиятини ошириш, айниқса, ижтимоий ғимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлашда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. 2023 йил 21 декабрда қабул қилинган фармон асосида жорий этилган “маҳалла этилиги” тизими бугунги кунда мамлакатимиздаги 8 минг 992 та маҳаллада 55 мингдан ортиқ аъзони қамраб олган ҳолда самарали фаолият юритмоқда. Мурожаатчиларнинг еттига муаммоси бир жойда ечилади. Жорий йилнинг январь-март ойларида маҳаллаларни халқчил ва самарали бошқарув тизимига айлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Утган йили тўрт ярим миллиондан ошқан фуқаро мурожаатларининг 85 фоизи маҳаллаларда ҳал бўлган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 81 фоиз маҳаллада жиноят содир этилмади. Ишсизлик ва камбағалликка қарши курашиш жиноятчилигини қисқартирди.

Раис ўринбосари оммавий ахборот воситалари вакиллари уюшма биносиданги мўъжазгина музей билан таништирди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган медиамарказ журналистлар хайратини оширди. Маҳаллалардаги барча маълумотларни рақамлаштириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган “Рақамли маҳалла” платформаси жорий этилган, 401 та кўрсаткичдан иборат “Маҳалла баланси” шакллантирилиб, муаммоларни манзилли ҳал этиш механизми йўлга қўйилгани ҳақида “Ситуацион марказ” ходими кўргазмали ахборот берди. Долли Аллаев самимий ва журналистлар билан мулоқот олиб боришда катта тажрибага эга раҳбар экан, унинг суҳбатлари ўзига оҳанрабодек тортиб турди. Саволларга тўла-тўқис жавоблар берди.

У бугунги медиатурнинг мақсади маҳаллалар фаолиятини очик ва кенг тарғибот қилиш эканини алоҳида таъкидлади.

Икки ён томонига Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси логотипи туширилган “Янги Ўзбекистон маҳалласи — ободлик ва бирлик манзили” шiori остидаги медиатур” деб ёзилган замонавий автобусда Ўрта Чирчиқ туманига қараб йўлга чиқди. Тошкент — Нурафшон автомагистраль йўлидан бориб, пештоқиға “Дўстлик маҳалласи” деб ёзилган маҳаллага бурилдик. Маҳалла гузарига кираверишда “маҳалла этилиги” вакиллари билан журналистларни Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Ўрта Чирчиқ тумани бўлими бошлиғи Раёно Жуманова таништирди. Гузар деворларидаги ёзувларда буюк алломаларнинг ҳикматларига нигоҳингиз тушади.



— Маҳалламизда 684 та хонадонда 3468 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Худойбердиев. — Худудимизда ўн беш миллат вакили бир оиладек аҳил яшайди, уларнинг кўпчилиги ўзбек ва дунган миллатига мансуб фуқаролардир. Утган йили ва шу йилнинг биринчи чорагида маҳалламизда бирорта жиноят содир этилмади, ишсизлар ҳам йўқ, ҳамма фойдали меҳнат билан банд.

Кираверишдаги хонада кекса оқсоқоллар шахмат ўйнашмоқда.

— Маҳаллада кексалар учун ҳамма қулайликлар яратилган, — дейди “Йўлбарс агро” фермер хўжалиғи раҳбари. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, 78 ёшли Холдор ота Нейматиллаев. — Шундай чиройли маҳаллаларни барпо этишга бош-қош бўлаётган Президентимизга минг раҳмат!

Маҳалла гузариданги тикувчилик цехида уй бекаларига касб сирлари ўргатилаётди. Ҳозиргача 55 нафар уй бекаси касбга тайёрланди.

СУМАЛАК ҲИДИ

Гузар ҳовлисидан айвонда “Шукроналик” тадбирига йиғилган кекса оналар ноз-неъматлар билан безатилган дастурхон атрофида ўтиришибди. Бир томонда миллий либослардаги аёллар уйинга тушиб, хуш кайфият улашмоқда.

Ҳовлида эндигина тайёр бўлган сумалак хиди атрофга таралиб турибди. Қозон бошидаги онахонлар журналистларни сумалақдан насиба олишга таклиф қилишди.

— Сумалакка тош ҳам солганмисизлар? — дея уларга юзландим...

Маҳалла гузарига яқин жойда ташкил этилган “Дўстлик” маҳалла сервис компанияси фаолияти билан танишдик.

— Сервис компаниямиз учта маҳалла аҳолисига 23 турдаги хизматларни кўрсатади, — дейди компания раҳбари Умид Алиёров. — Бугун жамоамизда 15 нафар маҳаллий аҳоли фаолият юритмоқда. Биринчи чорада аҳолига 500 миллион сўмдан ортиқ пулли хизмат кўрсатдик.

Абдулла Қодирий кўчасидаги 83-уйда яшовчи Ғулом Абдуназаров хонадондамиз. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси кўмағи билан у имтиёзли кредит олиб, йигирма сотих майдонда тўрт йил аввал иссиқхона ташкил этган экан. Иссиқхонада парвариш қилинаётган помидор ҳадемай ҳосил беради. Утган йили иссиқхонанинг ўзидан 80 миллион сўмдан кўпроқ даромад олинди. Ундан ташқари, исмалоқ этиштирилиб, уч қути асалари, етти бош қорамол парвариш қилинмоқда.

УЗУМЗОРЛАР ОРАЛАБ...

Медиатур иштирокчиларнинг кейинги манзили Пискент туманининг “Мингтепа” маҳалласи бўлди. Ижодкорларни янгидан барпо этилган ишқомли йўл бошида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг туман бўлими раҳбари Ҳикмат Исамухамедов бошчилигидаги фаоллар кўтиб олишди.

— “Мингтепа” маҳалласида 636 та хонадон бўлиб, уларнинг 620 тасида узумчилик билан шуғулланишди, — дея бўлим раҳбари журналистларни Ўрикзор кўчасидаги 1-уйга таклиф этди.

— Ота-боболаримиз узумчилик билан шуғулланиб келишган, — дейди хонадон соҳибига Абдуҷалил Хусанбоев. — Йигирма сотих майдонда узумнинг “Наманган чиллакиси” намини парвариш қиламиз. Асосий даромадимиз узумчиликдан. Узумларимиз 12 йилликдан 15 йилликкача бор. Ишқомлар орасига ноябрь ойида эккан исмалоқни сотиб бўлдик. Картошка, пиёз, саримсоқпёз экиб, улардан ҳам қўшимча даромад оламиз. Уч ўғлим оиласи билан бир ҳовлида яшаймиз.

Тўриси, маҳорат билан тараб чиқилган бундай узумзорларни авваллари Олтиариқда қургандим. Пискентликлар ҳам бу соҳада анча илгарилар кетибди.

плёнка остида помидор, бақлажон, болгар қалампери, райхон ва жамбил кўчатлари этиштириб сотишар экан. Шу кунларда ток барғи бизнеси ҳам бошланар экан.

Адолат опанинг набираси ўзлари тайёрлаган узум шарбатидан пиёлаларга қуйиб, меҳмонларга узатди.

“Мингтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Эшбеков ҳамроҳлигида Ўрикзор кўчасидаги 4-уйда яшовчи Усмон Муллажонов хонадондамиз. Бу хонадон гуллар билан янада файзли бўлиб турибди. Хонадон соҳибаси тандирдан янги узилган нон ва қулчалар

Цехга кирганимизда, у ерда 20 нафар аёл маҳсулот тайёрлаётган экан.

— Президентимиз мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакилларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда, — дейди Саврон Мирзаев. — “Навобод” маҳалласидаги барча кўчалар тўлиқ асфальтланди. Маҳалла учун янги бино қуриб берилди.

Маҳалланинг янги биносига кираверишда меҳмонларни миллий либосдаги қизлар қўллари кўксига қутиб олишди. Уларнинг юзларидаги бахтиёрлик қувончларини кўриб, ҳавас қилдик. Маҳалла биносиданги янги ташкил этил-



тўла сават билан пешвоз чиқди. Бир бўлак-бир бўлакдан нон ушатилди. Нон ҳиди, ширали таъми онам раҳматлининг нонларини ёдимга солиб юборди. Менга атаб шунақа қулчалар ёпиб берарди...

Пискентдан ширин таассуротлар билан Бўка томон бораямиз. Бугдойзорларга нигоҳим тушади. Бугдой бошоқлари ҳам буй кўрсатиб қолибди. Илоҳо, ғаллазорлар ҳосилига барака кириб, хирмонларимиз донга тўлсин!

Маҳаллалари уюшмаси Бўка тумани бўлими бошлиғи Зоҳиджон Обидов анча нотик экан. “Навобод” маҳалласига етганимизча туман маҳаллаларида олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини тушунтириб, амалга оширилаётган ибратли ишлар хусусида гапириб кетди.

“БИР КЕЛИБ КЕТИНГ ҚИШЛОҒИМИЗГА”

“Навобод” маҳалласидаги Зулайхо Рабиева хонадон кираверишида журналистлар карнай-сурнайлар садоси остида кўтиб олинди. Карнай овози барчага хуш кайфият бағишлаб юборди.

— Маҳалламиз аҳолиси, асосан, тожик миллатига мансуб, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Холиқберди Дадабоев. — Тожик халқида ҳам қадимий аъналар, удумлар унутилиб кетмасин деб ҳаракат қилаётган онахонлар кўп. Зулайхо Рабиева шу мақсадда каштачилик, сўзаначилик, қуроқчилик ишлари намуналаридан уйда музей ташкил этган. Шу билан бирга у ёшларга ҳам қадимий миллий касб сирларини ўргатиб келмоқда.

Тошкент вилояти тожик миллий маданият маркази раиси Саврон Мирзаев саъй-ҳаракати билан фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш фонди гранти бўйича 150 миллион сўм маблағ қўлга киритилиб, “Навобод” маҳалласида тикувчилик цехи ташкил этилган. Бугунгача 30 нафар уй бекаси тикувчилик касбига ўргатилди.

ган кутубхонада бир ярим мингдан ортиқ адабиётлар бор экан. Бехбудийнинг “Бутун саодат илмдадур, илмсиз миллат ҳаётда йўқолур” деган ҳикмати широр қилиб ёзиб қўйилибди.

— Маҳалла кўчасида бунёд этилган иншоотларда аҳолига 19 турдаги хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган, — дейди ҳамроҳларимдан бири, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Тошкент вилояти бошқармаси раҳбари ўринбосари Фузайлхон Ҳошимов. — Маҳаллий тадбиркор Давлат Сангинов 516 миллион сўм маблағ сарфлаб, кичик ўйингоҳ бунёд этди. Футбол ўйингоҳига энг замонавий сунъий қўлама ётқизилган.

Ўйингоҳ ёнида бир гуруҳ онахонлар меҳмонларга тортиқ этиш учун кўк сомса, кўк чучвара, патир нонлар тайёрлабди. “Бир келиб кетинг қишлоғимизга” қўшиғи янграмоқда...

Навобод қишлоғидан Тожикистон тоғлари қуринади. У томонлардан димоғларга хуш ёқадиган сабо келиб турибди. Тошкентнинг бўғиқ ҳавосидан безор бўлган нафас йўллари миз тоза ҳаводан қайтадан очилиб кетгандай бўлди. Бир гуруҳ журналистлар маҳаллий ёшлар командаси билан волейбол ўйнашга ҳам улгуришди. Байрамонга кайфият ва мусоффо ҳаво бағрида журналистлар кетар вақти бўлганга қарамай, бу гўшада кўпроқ ушланиб қолишди.

Маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи янада ортиб бораётгани, муаммолар жойида ҳал этилаётгани, маҳалла муҳим вазифалар рўёбга чиқарилаётган масканга айланаётгани гувоҳи бўлдик.

Ишончимиз қомил бўлдики, маъмур медиатур маҳаллаларда амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини намён этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва давлат ҳамда жамоатчилик ўртасидаги очик мулоқотни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дилмурод КИРҒИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



СИЙРАТ

УСТОЗЛИК САОДАТИ

сирдарёлик тилшунос олим Жуманазар АБДУЛЛАЕВ ҳақида сўз

Ўтган йилнинг октябр ойи ўрталари эди. Хизмат телефоним жиринглаб қолди.

— Ассалому аллайкум, “Hurriyat” газетаси таҳририятими?

— Ҳа, таҳририят.

— Мен Гулистон давлат университети ёшлар етакчиси Ёрқинжон Ҳайитбоев бўламан.

— Э, сиз ҳақингизда эшитганман, китобхонлик танловида ғолиб бўлиб, Президент совғаси сифатида автомобиль олганингизда ҳавас қилганмиз.

— Эътибор учун раҳмат, устоз, — деди у самимий оҳангда.

— Университетимиз жамоаси бу йил ҳам “Hurriyat” газетасига обуна бўлганмиз. Жуда ўқишли газета. Сизни бир илтимос билан бевозта қилаётган эдим. Устозимиз Жуманазар Абдуллаев Ўзбек тили байрами кун муносабати билан ёзган “Яша, ўзбек тилим, онажон тилим!” деган шеърини газетга чиқармоқчи экан.

— Майли, телефоним-телеграм рақамимизни ёзиб олинг, шеърларини жўнатсинлар, танишайлик-чи.

Ўша кунлари Ўзбек тили байрами кун муносабати билан таҳририятга келган шеърлар кўлаиб кетиб, домланинг шеърдан фойдалана олмадик. Узримни айтиб кўяй деб Жуманазар Абдуллаевга кўнгирак қилдим. Анча суҳбатлашдик, кенг фикрлайдиган, гап-сўзларидан самимият сезилиб турадиган маърифатли инсон экан. Қизиқиб, домланинг ёшани сўрадим. Олтмиш тўққизга кирибди. Ўзимга хос одатим бор, кўнглимга ёқиб тушган инсонлар ҳақида нимадир ёзишни истаганман.

Бор-йўғи тафсилотимиз шу. Жуманазар ака Наврўз байрами билан табриклаб, телефон қилиб қолди. Эски кадрдонлар каби анча гурунглашдик. Ўтган йилги ниятим ёдимга тушди. Унга яқин кунларда фурсат топиб, Гулистонга боришимни айтдим.

Гулистонга анча йиллардан буён келмагандим. Замонавий иншоотлар, кенг ва равон йўллар. Шаҳар обод бўлиб, тамоман ўзгариб кетибди. Жуманазар ака билан Гулистон давлат университети маънавият ва маърифат марказида кўришдик. Домла бораётганимдан хабар толғач, ўзини яхши билган бир неча кишини у ерга таклиф қилиб кўйган экан.

— Кишининг ёши тенг бўлмаса ҳам дунёқарашлари мос келса, тезда дўстлашиб кетади, — дейди Абдулла ака Адиллов. — Жуманазар акам Мамиржон билан дўст эди. Тез-тез уйимизга бориб турарди. Укаларимнинг болалик кўвончларига гувоҳ бўлганман. У мендан олти ёш кичик бўлса-да, мактабда аълога ўқинганлиги сабабли ҳавас қилардим. Тақдир тақозоси билан кўшни ҳам бўлиб қолдик. Шахматта ишқибозлигимиз баланд. Тонготаргача шахмат ўйнаган кунларимиз бўлади. Жуманазар шахматда ютса, айримларга ўхшаб ҳовлиқиб кетмайди, рақибини камситмайди, “яхши ўйнадингиз, бу гал бўлмаса кейинги сафар ютасиз” дея кўнглини кўтарди. У билан адабиётдан, санъатдан гаплашиб зерикмайман, руҳим энгил тортиб, роҳат оламан. Отаси — раҳматли Худойберди тоғамиз донги кетган боғбон бўлган. Катта боғи бор эди. Болаларни яхши кўрарди. Бизларга узум, олма-ларининг энг сарасини берарди. Жуманазар ҳам отасига ўхшаб кўнглиям, кўлиям очиб, Ростгүй, бор гапни айтди. Ёрдям керак бўлса, тайёр туради. Отаналаримиз бошқа бўлса-да, худди туғишган жигардек бир-биримизга яқин бўлиб кетганмиз. Хурсандчилик кунларда ҳам, ташвишли дамларда ҳам доимо биргамиз.

— Хотира умр йўлларида қайта юриб, ўтмишни эслатади, Жуманазар менинг болалик дўстим, — деди Буолма опа Соатова. — Маҳаллада тўртта уй наридаги кўшнимиз бўлган. Ҳали мактабга бормасимиздан, тўрт-беш ёшимиздан бирга катта бўлганмиз. Ялангоёқ, тизгача тупроқ кечиб, маҳаллада ўйнаб юрардик. Ариқда чўмилирдик. Ҳечам эсимдан чиқмайди. Жума кун бўлишини кутардик. Маҳалламиздан Ҳожиакбар бобо деган қоқсоқол аравасида мачитга борарди. Қайтаётганида биз болаларга ёнгоқ, парварда ва турли хил ширинликлар улашарди. Бир сарф менга парварда етмай қолганида Жуманазар ўзини-



кени берганди. У сахий бола бўлган. Ҳожиакбар бобо “мактабга борганда яхши ўқинлар” деб биз болаларга кўп марта тайинлаб, бизни дуо қиларди. Жуманазар билан бир синфда ўқидик, мактабни битиргач, университетда ҳам курсдош бўлдик. Биз битта-иккита фанни яхши билсак, у ҳамма фандан анча баҳоларга ўқиган. Айниқса, математикадан зўр эди. Кўнчилигимиз ундан кўчириб олاردик. Дўстлик ота-оналардан фарзандларга мерос қолади деган гап бор. Буни ҳаётимизда кўрдик. Чунки бизларнинг ота-оналаримиз ҳам жуда инок бўлишган. У ўн икки ёшида отасидан етим қолган. Онаси катта қилиб ўқитди. Бир умр меҳнатда катта бўлди.

— Буолма опамиз ҳам катта ютуқларга эришган, — дея Жуманазар ака суҳбатимизга қўшилди. — Қирқ йил битта мактабда ишлади, шундан йигирта саккиз йил ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлди. Президентимиз фармони билан 2009 йили “Дўстлик”, 2017 йили “Меҳнат шўхрати” ордени билан тақдирланди. Биз тенгдошлар доимо ундан фахрланиб юрамиз.

— Жуманазар умр бўйи илмга интилиб яшаётган олим, иродаси кучли, ўта интизомли, ҳалол, тўғрисиўз ва қобил инсон, — дея Буолма опа суҳбатини давом эттиради. — Лўнда айтганда, унда бирор-бир ёмон ҳислат йўқ.

Филология фанлари номзоди, доцент Жуманазар Абдуллаевнинг илмий фаолияти ҳақидаги маълумотлар билан олий таълим ўсган Мирзаобод туманидаги Деҳқонобод қишлоғидаги ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Орадан уч йил ўтгач, институтдаги устози — таниқли филолог олим Қаршибой Самадовнинг таклифи билан олий таълим ўчоғининг ўзбек филологияси факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган Мирзаобод туманидаги Деҳқонобод қишлоғидаги ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Орадан уч йил ўтгач, институтдаги устози — таниқли филолог олим Қаршибой Самадовнинг таклифи билан олий таълим ўчоғининг ўзбек филологияси факультетига ишга келди. Олий даргоҳда ўзбек адабиёти кафедрасида лаборант бўлиб иш бошлади. “Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари” мавзусидаги фан номзодлиги диссертациясини ёқлагунича катта лаборант, тадқиқотчи, ўқитувчи, аспирант бўлиб фаолият кўрсатган. У халқ оғзаки ижоди асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш йўлида илмий изланишлар олиб борди. Халқ тили билан айтганда, игна билан қудуқ қазиди.

Жуманазар Абдуллаев 2006-2011 йиллари Гулистон давлат университети таълим ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири лавозимда самарали фаолият кўрсатди. Кейинги олти йилдан буён янги ташкил этилган “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида доцент лавозимда бакалаврият ва магистратура талабаларига “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Систем тилшунослик”, “Ўзбек тили орфографияси ва пунктуацияси”, “Лингвопрагматика”, “Когнитив тилшунослик” каби замонавий ўзбек тилшунослиги ва умумий тилшунослик фанларидан дарс бериб келмоқда. Олим томонидан яратилган ўқув-услубий кўлланимлар илм-фан ва ўқув жараёнини рағбатланиб келинаётгани аҳамиятлидир. У ёш олимларга филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ишига илмий раҳбарлик қилмоқда. Лингвистика (ўзбек тили) бўйича магистрликни ҳимоя қилаётган шогирдлари орасида ўз истеъдоди билан алоҳида ажралиб турган Нилуфар Охунжоновани суҳбатга қорладик.

— Биринчи босқич талабаларимдан бошлаб домладан тилшунослик сирларини ўрганиб келмоқдаман, — деди у. — Аслида, магистратурани Тошкентда давом эттириш ниятим бор эди. Шундай қомусий илмга эга бўлган устоз Жуманазар Абдуллаев туфайли илмий ишимни Гулистон давлат университетида қилганман. Устоз ҳар қандай саволимизга тўлиқ жавоб бериб, бизларни ҳайрон қолдиради. Тартиб-интизомга қаттиқ қарайди, ҳақиқатни қўллаб-қувватлайди. Домланинг дунёқарашини ҳам кенг, кўп асарлар ўқийди. Шеърларни таҳлил қилади. Энг муҳими, шогирдларининг имкониятларини яхши билади, гарчи раҳбар бўлмаса ҳам сўраб келган талабаларга беминнат ёрдям беради. “Жамият ва таълимдаги муаммолар ҳақида мақолалар ёзинлар”, дейди. Бағрикенг устозимизни отамдек кўраман.

Шогирдининг устози ҳақидаги бундай самимий дил сўзларини тинглаб, олим бўлса шундай бўлсин, дейиш мумкин.

Университетдан қайтар чоғи Жуманазар Абдуллаевнинг шогирдларидан бири Гулистон давлат университети ректорининг илмий ишлар бўйича проrektори, филология фанлари доктори, профессор Фазлиддин Шарипов билан учрашдик.

— Жуманазар ака устозларимнинг сараси, — деди Фазлиддин Шарипов. — Домла ўқитувчилик касбини эъзозлаб, улуғлик мақомига эришган муаллимдир. Тилшунослик илмининг

билимдони. Халқ меҳрини қозонишни ундан ўрганганман. Фанга юз йилларга татиғулик хизмат қилиб қўйган устозимизнинг илмий таҳлилларга асосланган ўнлаб дарслик ва ўқув кўлланимлари мактаб, академик лицей ва олий ўқув юртиларида ўқитилмоқда.

Ўша кунни домланинг турмуш ўртоғи Саодат опа Абдуллаева билан ҳам учрашдик. У ҳам ўқитувчиликдан бахт топган аёллардан экан.

— Бир-биримиз билан университетда танишганмиз, — деди Саодат опа мийғида кулиб. — Қўшганимиз билан кўша қариб, қирқ тўрт йилдан буён турмушининг аччиқ-чучуғини баҳам кўриб ҳаёт кечирмоқдамиз. Учта ўғлимиз келинларимиз билан аҳил оила бўлиб яшаётганидан бахтиёримиз. Турмуш ўртоғим тўғрисиўз. Кўнглимга қарайди. Фарзандларим камоли учун бор-будини аямади. Кўп вақтини илмга сарфлайди. Ўрганиб ҳам кетдик. Қуш уясига кўрганини қилар экан. Сурмаҳон қайнонам раҳматли хушчақчақ, дилкаш аёл эди. Мени Зулфия, ўғлини Ҳамид Олимжон дерди. Ўзи ўқимаган бўлса ҳам китобга, илмга муҳаббатини кучли эди. Болаларини ёлғиз қўл билан боқса-да, илмни қадрлаб, ўқимишли қилган. Асли Фарғонанинг Қувасидан бўлган қайнонам ҳалима аёл бўлган. Ўғилларининг бахтидан шундай хурсанд бўларди. Ҳатто телевидорда ҳам бундай дилбар аёлни кўрмаганман. Ўйга кирганини ҳечам қуруқ қайтармасди. Ўта пазанда, қўли баракали эди. Шеърлар ёзарди. Уришиш у ёқда турсин, бирор марта юзига тик боқмаганман. Агар кимдир уни ранжитса, “Ҳа, Худо раҳм айлаб кетсин-а”, деб қўярди. Ўзим ҳам келинларимга муомалада қайнонамга ўхшашига ҳаракат қиламан.

— Набираларингиздан қайнонанингизга ўхшайдигани борми?

— Ўзим ҳам неварам Асалхоннинг қайнонамга ўхшашини айтмоқчи бўлиб туравдим, — деб ҳикоясини давом эттирди Саодат опа. — Юзлари ҳам, ранглари ҳам бир хил. Ўн яшар бўлса-да, ҳамма нарсага катталардек ақли етади, жуда қобилияти. Оддий сабаботлардан райхон, жамбил қўшиб ширин овқатлар тайёрлайди.

Шундай оилага келин бўлиб тушганим учун, шундай ажойиб инсонга умр йўлдош бўлганим учун Аллоҳга шукр дейман.

Саодат опанинг дил сўзларини тинглаб, Жуманазар Абдуллаевнинг нақадар бахти қулган оила соҳиб эканлигига амин бўлдик.

— Аслида, ёшлиқда яхши ўқиш, яхши оруз-ниятлар қилиш керак экан, — деди қаҳрамонимиз Жуманазар ака. — Ўтмишда ҳам одамлар олимларга, уламоларга суяниб яшашган. Ҳаётда илм-фан, маърифат ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Муаллимларга, илмга меҳр қўйган сари зеҳнинг очилиб бораверади. Баҳодир ака Розиков, Раъно опа Розикова, Қаршибой Самадов сингари фидойи, жонқур устозларимизни кўп эслайман. Бизга ўз сабоқлари билан илм эшикларини очиб беришган устозларни унутиб бўлмайди. Суҳбатлашиб ўтирганимизда, Жуманазар ака тўрт ёшли Ширина исмли набираси ҳақида айтиб қолди. Эрталаб Ширина бобосига: “Мен ҳам сиздай устоз бўламан”, деб мана бу ёдлаган шеърини айтиб берибди:

*Стулчада ўтирсам,
бобом келиб қолдилар,
Қўллариға сув қуйсам,
“Балли, қизим” дедилар.
Кўёш чиқиб тана қуйса,
соя бўлган бизларға,
Бўрон бўлиб, қумлар учса,
қоя бўлган бизларға.
Ўзи бемор, ўзи дармон,
табиб бўлган бизларға,
Суянчим тоғим мененг,
бобожим, бобожон!*

Тўғриси, умрини илмга бахш этган, камтарлик билан камол топган, инсоний фазилатлари-ю яхшиликлари билан эл назарига тушган одамларга рўбарў келиб, улар ҳақида ёзаётганимда журналистлик касбимдан фахрланиб кетаман.

Шундай, устозлик саодатига эришган муътабар инсонлардан бири Жуманазар ака олимларнинг обидига қиёслагим келди.


Мухаммад КЕНЖА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшимас аъзоси.

ХОРИЖ

ДРОНЛАР ҲУЖУМИГА УЧРАГАН ЗАВОД

Украинанинг учувчисис қурилмалари 13 апрель, душанба кунни Вологда вилоятига ҳужум қилди. Оқибатда ушбу худудда жойлашган, Европадаги аммиак ишлаб чиқарувчи энг йирик завод бир ой ичда иккинчи марта жиддий зарар кўрди.

Вилоят губернатори Георгий Филимоновнинг маълум қилишича, 13 та дрон “Череповец саноат майдонида етиб келмасидан аввал” уриб туширилган. У ҳужум оқибатлари ҳақида маълумот бермаган. “Астра” нашрининг ёзишича, корхона яқинидаги йўл участкасида олинган гувоҳ видеосини таҳлил қилиш натижасида завод худудидида камида икки жойда ёнғин чиққанини кўриш мумкин.



ВЕНГРИЯДА СИЁСИЙ ИНҚИЛОБ

Мамлакатда сайлов тарихий натижа билан яқунланди. 16 йил давомида ҳокимият тепасида турган Бош вазир Виктор Орбан мағлуб бўлди. Унинг ўрнини эса Петер Мадьяр эгаллади. Овоз беришда аҳолининг қатнашиш даражаси 77,8 фоизни ташкил этиб, мамлакат тарихидаги энг юқори кўрсаткич қайд этилди. Бу натижа жамиятда жиддий ўзгаришга талаб кучли эканини кўрсатди.

Ғалабадан сўн Мадьяр ўз сиёсий йўналишини очиб айтиб, Венгрияни яна Европа Иттифоқи ва НАТО билан яқин ҳамкор давлатга айлантиришини билдирди. Шунингдек, давлат бошқарувида мувозанатни тиклаш, коррупцияга қарши қатъий кураш олиб боришга ваъда берди. Унинг чиқиши тарафдорлари томонидан фаол қўллаб-қувватланди.

Орбан эса мағлубиятни тан олди ва жамиятни бирлаштишга чақирди. У келгусида муҳолифат сифатида фаолият юритишини билдирди.

Европа етакчилари янги ҳукуматни табриклаб, юз берган ўзгаришни ижобий баҳолади. Айниқса, Брюссель билан муносабат яхшиланиши кутилмоқда.



АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИДА ЯНГИ ЛИДЕР

Хитой атом энергетикаси ишлаб чиқариш бўйича жаҳон етакчисига айланишга тайёрланмоқда. Амалда ишлаётган ва режалаштирилган лойиҳаларни ҳисобга олганда, унинг умумий қуввати қарийб 186 000 мегаваттга етиши мумкин.

Бу эса ҳозирча дунёда биринчи ўринни эгаллаб турган АҚШни анча ортада қолдиради. Бу ўзгариш мамлакатларнинг электр энергиясига бўлган талаби ортиб бораётган бир пайтда Хитой ўзини ишончли энергия билан таъминлашга интиляётганидан дарак беради.

Янги инфографикада мамлакатлар “Global Energy Monitor” маълумотлари асосида атом энергетикасининг ҳозирги ва истиқболдаги ўрнатилган қуввати бўйича сараланган. Бугунги кунда АҚШ 102 475 мегаватт қўрсаткич билан етакчилик қилмоқда ва Франциядан 35 000 мегаваттдан ортиқ фарқ билан олдинда бормоқда.

Ҳозирги вақтда Хитой 60 898 мегаватт билан учинчи ўринда турибди, аммо янги энергетикалар ишга туширилиши вазиятни тез орада ўзгартириши мумкин.

Агар режалаштирилган барча лойиҳалар амалга ошса, Хитой 185 812 мегаватт билан биринчи ўринга чиқади. Ундан кейин АҚШ — 117 910 мегаватт, Франция — 75 590 мегаватт билан учинчи ўридан жой олади. Россия 60 800 мегаватт билан тўртинчи ўринни эгаллайди.



НАТОдан ЧИҚИШ ИСТАГИДАГИ ДАВЛАТ

Словения парламенти спикери Зоран Стеванович мамлакат НАТОдан чиқиш бўйича референдум ўтказиши ҳақида баёнот берди.

“Биз бошқаларнинг ҳарбий ва дипломатик низо-ларига аралашшга қатъиян қаршимиз, чунки бундан Словенияга ҳеч қачон фойда бўлмаган. Шу билан бирга, шуни айтишим керакки, биз халққа НАТОдан чиқиш бўйича референдум ўтказишга ваъда берганмиз ва уни ўтказамиз”, — деди у Словения радио ва телевидениесига қилган чиқишида.

Стевановичнинг таъкидлашича, Любляна мустақил, суверен сиёсат юритиши, барча мамлакатлар биринчи навбатда буюк давлатлар билан ҳамкорлик қилиши керак, бироқ бу ҳамкорлик ҳеч қайси ҳолатда бўйин эгишни аңлатмаслиги лозим.



РАЗВЕДКА СОБИҚ РАҲБАРИ УШЛАНДИ

Александр Рамагем АҚШда Иммиграция ва божхона назорати хизмати (ICE) томонидан қўлга олинди. Бу ҳақда “Reuters” хабар берди.

Рамагем сентябрь ойида Бразилиянинг собиқ президенти Жаир Болсонару билан давлат тўнтарышини режалаштиришда айбланган ва мамлакатдан қочиб кетганди. У ўз ватанида 2022 йилги сайловларда Болсонару устидан ғалаба қозонган сўн қанот етакчиси Луиз Инасио Лула да Силванинг ҳокимиятга келишини бекор қилишга қаратилган фитнада иштирок этганлигида айбланиб, 16 йилдан ортиқ қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Рамагем ўзига қўйилган айбловларни рад этмоқда. АҚШ Иммиграция ва божхона хизмати унинг ҳибсга олинганини тасдиқлаган, бироқ тафсилотларни очикламаган. Бразилия Федерал полицияси 13 апрель кунги баёнотида ҳукумат қилирувида бўлган бразилиялик эркак Флорида штатининг Орландо шаҳрида “ICE” томонидан қўлга олинганини маълум қилди.



Интернет хабарлари асосида Мухаммадсодик ТўРАЕВ тайёрлади.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Шавкат Отажоновни таниганимга эллик йилдан ошди. Уша пайтада У Тошкент давлат университети (хозирги ЎЗМУ) нинг физика факультети талабаси эди. Ушанда уни ниҳоятда илмли, кўп ўқиган ва доимо изланиш, интилишда бўлган талаба сифатида кашф этганман. Шу билан биргаликда ўта камтар, дўстларга меҳрибон, суҳбати мазмунли, кучли мушоҳадага асосланган фикрлари билан ҳар қандай даврани ўзига жалб эта оладиган хушчақчақ инсон сифатида кўпчилигининг эътирофига сазовор бўлган эди. Улар кичик тоғам (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) Валижон Мамажонов билан бир синфда ўқишган.

Икки “оқсоқол” ҳамюрт талабаларнинг бошини-бошига қўшиб, турли тadbирлар, байрамларни бирга ташкил этишар, бизни яхши ўқиш билан бирга ҳаётда муқтақил фикрга эга бўлиш, дўст орттириш, қийинчиликлардан қўрқмай, доимо олға интилишга чорлашарди. Улар университет ётоқхонасида туришар эди. Таъбир жоиз бўлса, Шавкат ака ҳам физик, ҳам шоиртабиат инсон эди. Хонасида доимо рубоб осиглик турар, бўш вақтларида уни чақиб, ўзича хиргойи қиларди. Шериятни ҳам ниҳоятда севарди. Байрамлар, туғилган кунлар билан боғлиқ машваратларда бот-бот бу борадаги “маҳорат”ларини намойиш этардилар. Тadbирлар санъат, адабиёт, маънавият ҳақидаги мулоқотлар ва ҳаётий ҳангомаларга уланиб кетар, бу биз ёшлар қалбиде жуда катта ҳавас ва ҳайрат уйғотган.

Шавкат ака университетни кизил диплом билан тугатди. Келажоги порлоқ, умидли талабани факультетда ўқитувчи этиб ишга олиб қолишди. У талабаларга дарс бериш билан бирга аспирантурада ўқиди. Илмий тadbирлар олиб борди. Бир неча йил ўтмай, номзодлик ишини ёзиб тугатди ва муҳомадага қўйди.

Уша даврда собиқ иттифоқ таркибидеги қатор олий таълим даргоҳларида фаолият юритган олимлардан ижобий фикрлар олинди. Ва химоя муваффақиятли ўтди. Яна тинимсиз меҳнат, изланиш, олға интилиш ёш олимнинг ҳаётий тамойилига айланди.

Шу ўринда сал ортага қайтиб, бир умр ёдимда сақланиб қолган воқеа тафсилотини баён этмоқчиман. Мен мактабни тугатиб, университетнинг журналистика факультетига хужжатларимни топширдим. Андижонлик қадрдоним Абдужалил Маматкулов билан бирга тоғамнинг хоналарига жойлашиб, бўлғуси синоваларга ҳозирлик кўра бошладик. Тоғам ва унинг хонада кўрсатгани Зоҳид ака ўз юртига амалиёт ўтагани кетишган. Шавкат ака қабул комиссиясига жалб қилинганди. Биз ёшлар кеча-кундуз бош кўтармай китоб ўқиймиз, имтиҳонларга тайёргарлик кўрамиз. Шу йили ўқишга ҳар йилгидан ҳам кўпроқ ёшлар хужжат топширган. Танлов ўта хиддий ўтиши аниқ эди.

Бир куни тушликдан сўнг имтиҳонга тайёргарлик авж палласида эшик тақиллади. Эшикни очдик. Рўпарамизда узун бўйли, озгин, сочлари елкасига тушган, ўша пайтада расм бўлган сурнай почта шим кийган йигит турарди. Ичкарига таклиф этдик.

— Зоҳиджон керак эди, — деди у стулга ўтириб, ҳол-аҳвол сўрашгач.

— Амалиёт ўтагани кетганлар.

— Унда Шавкат акам шу ердамилар?

— Улар факультетларида, қабул комиссиясидалар. Кечроқ келиб қолади.

“Эҳ, бу одам вақтимизни оляпти-ку”, деган гап кўнглимиздан ўтди. У эса шошмасди. Бизнинг кимлигимиз, қаерга хужжат топширганмиз, қайси фанлардан тайёргарлик кўраётганимиз билан қизиқарди.



Илм ва ижод ДОВОНЛАРИДА

физика-математика фанлари доктори, профессор
Шавкат ОТАЖОНОВ портретига чизгилар

— Менинг исми Шерали, Зоҳиднинг дўстиман. Бу ерга тез-тез келиб тураман. Театр институтиде ўқийман. Қўшиқ айтаман. Агар рубоб бўлганда бир қўшиқ айтиб берардим.

— Афсуски, йўқ, вақт ҳам зик, — дедик у кинининг тезроқ кетишини кўтиб.

— Шавкат аканинг хонасида бор-ку, олиб қичинлар, бироз дам оласизлар. Тинимсиз ўқиш ҳам одами чарчатади, укалар, — деди у бепарволик билан.

— У киши йўқ, дедик-ку.

— Хоналарида кимдир бордир?

— Майли, чиқиб келаман, — дедим ниҳоят. Бошқа илож ҳам йўқ эди. Меҳмоннинг нияти қатъий эди. Шавкат аканинг хоналаридан рубобни олиб чиқдим.

— Мен сизларга ўзим яратган қўшиқлардан айтиб бераман, тинглаб, баҳо берасизлар.

У иккита қўшиқни бирданга айтиб берди.

— Қалай, ёқдими? — деди пешонасидаги тер томчиларини рўмоғчаси билан артаркан.

— Яхши, ўзига хос яратибсиз, — дея жавоб бердик, тўғриси, хаёлимиз бу одам ижро этган куй-қўшиқда бўлмас ҳам.

— Яқшанба куни Ўзбекистон радиосининг

манида воёга етган умидли, ҳаваскор хонанда Шерали Жураевнинг санъатга ошуфта ҳаёти, ижоди ҳақида маълумот берилди ҳамда бизга таниш бўлган иккита қўшиғи эфирга узатилди.

Меҳмоннинг гаплари тўғри экан, у чиндан ҳам қобилиятли ҳофиз экан, дея хулоса қилдик.

Орадан вақт ўтиб, бу воқеани унута бошландик. Бир куни Шавкат ака биздан ким келганини сўраб қолди. Ушанда бўлган воқеани сўзлаб бердик.

— Шералидан яхши ҳофиз чиқади, ҳали кўрасизлар. Биз анчадан бери танишимиз. Яхши шеърларни танлаб, ўзи куйга солади, бу анча мураккаб жараён, — деди Шавкат ака.

Кўп ўтмай имтиҳонларимиз ҳам бошланди. Синовалардан ўтиб, иккимиз ҳам талаба бўлдик. Ҳар биримиз ўз ташвишимиз билан бандмиз, ўқиш, лекциялар тинглаш, оқшомлари яна дарс тайёрлаш, кутубхонада имтиҳонларга ҳозирлик қўриш...

Кунлар кунларни қувиб ўтарди. Уша кезлари талабалар ётоқхоналари деразасидаги магнитфонлардан, асосан, машҳур ҳофиз Дадахон Ҳасанов қўшиқлари тараларди. Аиниқса,

унинг “Лайло” қўшиғи жуда машҳур бўлиб кетганди. Йиллар ўтиб, унинг ёнига ёш ҳофиз Шерали Жураев тароналари ҳам қўшилди. У киши бизнинг “эски танишимиз” эканлигидан фахрланиб юрдик, ўзимизча. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин Шавкат ака билан мулоқотларимизда ўша воқеани ҳам бот-бот ёдга оламиз.

Кейинчалик Шавкат Отажонов ўз олдида янада катта мақсад қўйиб, докторлик илмий ишини ёзишга киришди. Шу орада тарихий воқеа юз берди. Мамлакатимиз истиқлолга эришди. Олий таълим тизимида ҳам янги, мустақил аттестация комиссияси ташкил топди. Ушбу ташкилот фаолиятини бошлагандан сўнг юртимизда аниқ фанлар бўйича биринчилардан бўлиб докторлик диссертациясини Шавкат Отажонов ёқлади. Таниқли олим ва жамоат ар-

ние ижодкорлари билан изчил ҳамкорликни давом эттирмоқда.

Шу билан бирга у тadbирчи сифатида қатор илмий рисоалар, монографиялар яратди. Кўплаб шоғирлар тайёрладики, бугун улар ҳам ёшларга устозлик қилиб, Ватанимиз илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шавкат Отажонов узоқ вақт Ўзбекистон Миллий университетининг илмий ишлар бўйича проректори лавозимиде самарали фаолият юритди. Профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятини юксалтириш, таълим-тарбия жараёнини замонавий технологиялар асосида тақомиллаштириш, ёшларни илмий тadbирот соҳасига кенг жалб этиш, уларнинг қобилиятларини тўлароқ юзага чиқариш ҳамда қўллаб-қувватлашдек ҳайрли ишларга бош-қош бўлди.

Профессор Шавкат Отажонов таваллудининг 70 йиллиги Ўзбекистон Миллий университетиде кенг нишонлангани, унда кўплаб ном қозонган олимлар билан бирга журналистлар, шоир ва ёзувчилар иштирок этгани ҳамон ёдимда. Хусусан, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Шавкат Отажоновни нафақат таниқли физик олим, балки қобилиятли ижодкор сифатида ҳам ҳурмат қилишини таъкидлаб, унга бағишланган шеърини ўқиб берган эди.

Ҳақиқий олим ва ижодкорларнинг ҳаётини ер бағридан қайнаб чиққан, мазаали суви билан минглаб инсонлар ташналигини қондирадиган чашмага қиёслади. Зеро улар ижоди, яратган тadbиротларидан кўплаб инсонлар, шу соҳага меҳр қўйган ихлосмандлар баҳраманд бўлишади. Чашма эса яна қайнаб, ташна юракларга “обиҳаёт” улашишда давом этади.

Шу кунларда таниқли олим ва иқтидорли ижодкор Шавкат Отажонов яна бир улкан доводни забт этди. Қўтлуғ 80 ёшини қарши олди. Муборак ёшда бўлишига қарамай, ҳамиша тейик, юраги ғайрат ва илҳомга, янги-янги гоёларга тўла. Жонажон физика факультетиде талабаларга сабоқ бериш баробарида, улар қалбига илм-фанга муҳаббат, ватанпарварлик гоёларини жойлашдек ҳайрли амалини давом эттирмоқда. Уларни фан сирларини пухта эгаллашга, Ватанини севишга, мамлакат илм-фан салоҳиятини бундан-да юксалтириш, халқаро миқёсда намойиш этишга ундайди. Шу билан бирга кўплаб изланувчи ёшларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилади. Вақти-вақти билан дўстлар даврасидаги мулоқотларга ҳам фурсат топади.

Шавкат ака билан мулоқотларимиз шунчаки кўнгли ёзишдан иборат бўлмади, балки илм-фан, адабиёт, санъат ва маънавият ҳақида кечди. Барчанинг қалбига завқ шавқ, қувонч улашади. Яхши инсонлар билан мулоқот дилларга сурур бағишлайди, маънавий озуқа беради. Умрингиз узоқ, ризкингиз баланд бўлсин, устоз!

Комилжон КАРИМЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист.

МУТОЛАА

МАНГУ СЎЗ

Таниқли шоир Ғайрат МАЖИДнинг “Оппоқ табассум” китобини ўқиб...

Таниқли шоир Ғайрат Мажиidding “Sahho” нашриётида чоп этилган “Оппоқ табассум” шеърлар ва достонлар тўплами Ватанга садоқат, миллатга муҳаббат, ота-она ва азалий қадриятларнинг юксак бадий ифодасидир. Китоб номидеги оппоқ табассум рамзи аслида Ватанга, инсонга ва замондошга бўлган беғубор меҳр-муҳаббат зиёсини аңлатади. Ушбу тўпламда энг кўп муурожаат қилинган ва ўзига хос бадий юк ташиган тушунчалардан бири “сўз”дир. Мумтоз адабиётимизда ва ирфоний шеърятда “сўз” атамаси нафақат луғавий бирлики, балки ёниш, куйиш, оташ, ҳасрат маъноларини ҳам ифодалайди.

Шоир “Мангу сўз” шеърда дунёдаги барча моддий нарсаларнинг ўткинчи эканлигини тасвирлайди. Унинг фикрича, вақти келиб, энг жўшқин тошқин дарёлар тинади ва шоққин саболар эсмай қолади. Ҳаттоки энг муқтақам ва азамат тоғлар қулаб, ям-яшил боғлар сарғайга ва сўлади. Коинотдаги жамики мавжудот донг қотади. Кўзёш ҳам, оҳ-нолалар ҳам дунёни асраб қололмайдди, ҳатто марғур порлаган кўш ҳам бир кун келиб сўнади, ўчади. Аммо... Аммо шоир бутун фониийлик ва йўқлик қаршисиде битта буюқ ҳақиқатни эътироф этади:

Фақат сўз ўлмагай, мангу қолар сўз.

Сўз бу шунчаки товушлар йиғиндиси эмас, балки инсон жонига беқиёс зиёлар бағишловчи илохий неъматдир.

Сўзнинг иккинчи маъноси — ёниш, оташли дард ва кечинмалар силсиласи шоир ижодининг ички қатламида яширинган. Инсон бу дунёга дард ва синовалар ичиде келади ва ҳаёт йўлини шу оташ ичиде босиб ўтади. Шоир бу теран фалсафани куйидаги мисра орқали жуда гўзал ифодалайди:

Сўз ичра тўлғониб, сўзга келганимиз.

Бу ердаги биринчи “сўз” инсоннинг ёниши ва изтиробини, иккинчиси эса ёруғ дунёга келиб ўз сўзини айтишини аңлатади. Кексайиб бораётган ва қартайган дунё қаршисиде шоирнинг яшашга бўлган кучли иштиёқи, руҳий ёниши исёнкор бир тарзда жаранглайди: “Айтгим келаверар яшил-яшил сўз”. Бу “яшил сўз” аслида кўнгли баҳорининг рамзи ва ёниб турган пок умиддир.

Ғайрат Мажиidding бадий сўзини буюқ аждодлар мероси сифатида қабул қилади ва унинг масъулиятини чуқур хис этади. У қаламини энг тоза изҳор, соф иймон ва ихлос маъҳари деб билади ҳамда уни ҳазрат Навоийдан қолган мерос сифатида улуғлайди. Алишер Навоий сиймоси ва унинг сўз мулкидаги беқиёс урнига бўлган эҳтиром тўпланининг бир неча уринларида ёрқин акс этган. Шоир Навоий ҳазратларини “Сўз чамани ичра сўлмас дарахтим” деб атади ва бу дарахтдан руҳий озуқа олади. Чинакам сўз маърифатини ва унинг тафтини (ёнишини) аңламоқ учун, албатта, “сўз мулки султони музофоти”га сафар қилмоқ ва Навоийни аңламоқ керак бўлади.

Шоир “Қалам” шеърда сўзнинг ўзини эмас, уни яратувчи воситани оловли бир дард билан тасвирлайди. Бу ерда қалам шунчаки ёзув курули эмас, балки оташли сўзнинг ўзидир:

Ҳам қувонч, ҳам нурли ғусса қаламдир,
Қалам эл дардини ёзса қаламдир.

Айнан шу шеърда у сўз айтиш масъулиятини “соф иймон, ихлос” ва “энг покиза изҳор, дилроз” сифатида қабул қилади ва бунга бутун борлиги билан ёнади.

Ижодкор сўзлаш жараёнини, мисраларнинг туғилишини табиат унсурлари ва қизил (олов, қон) ранг орқали чизади. “Устозим” шеърдаги мана бу мисраларга эътибор беринг:

Лаб оқдим, юракдан лолалар оқди,
Муножот, шлтижо, нолалар оқди.

Лаб очганда сўз эмас, “лолалар” (яъни юрак кони билан сўғорилган, ёниб турган, қизил оташ рангли мисралар) оқиши сўз ишқидеги ёнишининг энг юксак ташбеҳларидан биридир. Аслида, бу теран ва гўзал метафора мумтоз адабиётимиздан, хусусан, ҳазрат Алишер Навоий ижодидан озуқланган. Навоий бобомиз ўзининг машҳур байтида шундай ёзган эди:

Фурқатингдин заъфарон узра
тўқармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин
эрур парголалар.

Навоий байтидаги ёр ҳажрида қон йиғлаш, сарғайган юз (заъфарон) устига тўқилаётган қизил қон томчилари (лолалар) аслида юракнинг парчалари (парголалар) эканлиги қанчал кучли дард ва ёниш билан айтилган бўлса, Ғайрат Мажиidding мисраларида ҳам шу улғувор

аънанининг гўзал давомини кўрамиз.

Шоир лаб очганда тўқилган “лолалар” шунчаки оддий сўзлар эмас, балки муножот ва илтижога айланган, соғинч ўтида ёнган юракнинг қонли парчаларидир. Оғиздан чиқаётган каломнинг лолага ўхшатилиши сўзнинг оддий нутқдан кўтарилиб, ирфоний дардга ва қалб оташига айланганини кўрсатади. Бу эса Ғайрат Мажиidding сўз қўллаш маҳоратида Навоий мактабига нақадар садоқатли эканлигини ва мумтоз ташбеҳларга замонавий шеърятда янгича руҳ бағишлай олганини ёрқин намён қилади.

Худди шундай ҳолат “Нолаларим бор” шеърда ҳам кузатилади:

Кориз сувлардайд юраккинамнинг
Тубларида оқар нолаларим бор.

“Кўнгли” номли шеърда шоир юрагининг ёнишини муслиқий тимсоллар орқали ифодалайди:

Ёнаётир юрагим,
Қалбим тўла наволар.

Сўнгра бу ёнишни янада кучайтириб, ижодкор ўз қалбини найга менгазайди: “Кўнгли, нолалар найсан, Кўп ўзингни қийнайсан”. Бу ердаги найнинг ноласи қоғозга тушмаган, аммо вужудни ёндирётган оловли сўзлардир. Бу тушунчанинг энг ҳайратланарли чўққисини “Илтижо” шеърда кўриш мумкин. Бу ерда шоир Яратгандан бевосита “сўз беришини” ёлвориб сўрамайди, балки сўзнинг турли бадий макомларига етишини истади: “Шул изҳорим, шул розимга мени етказ”; “Селлар каби оқсин олам Ушшоғимдан, Шул наво, шул овозимга мени етказ”; “Шул достон, шул баёзимга мени етказ”.

Эътибор қилсак, “изҳор”, “роз”, “ушшоқ”, “наво”, “овоз”, “достон”, “баёз” — буларнинг барчаси шоир қалбиде тинимсиз ёнаётган ва юзага чиқшга интилаётган сўзнинг турли хил гўзал либосларидир.

Ғайрат Мажиidding ижодиде сўз фақатгина лирик кечинма ёки бадий восита эмас, балки миллий ўзлик, тарих ва ижтимоий исён курули сифатида ҳам намён бўлади. Сўзнинг қадимий этимологик илдиэларидан тортиб, эски ўзбек тилидаги шаклий-семантик жиловларига бўлган тadbирчи тарих ва жадидона руҳ бу шеърларда ўзига хос тарзда уйғунлашган. “Она тилим” шеърда шоир тилини шунчаки

алоқа воситаси эмас, балки миллатнинг генетик коди ва руҳий тарихи сифатида талқин қилади:

“Олис-олислардан келган дардларим,
Маҳмуд Кошғарийдан мерос хатларим”.

Олам аро менинг шажарам, кўрким,
Илдизим — “Девони луғотит-турк”им.

Шоир бежизга Аҳмад Югнакий, Навоий ва Оғаҳийларни кетма-кет тилга олмайди. Бу орқали у эски ўзбек ва туркий матнларнинг асрлар оша узилмаган занжирини кўрсатади. Бу ерда сўз миллатнинг йўқолмас хотираси сифатида исён қилади:

Тилга хиёнатни кечирмайди дил,
Элга хиёнатни кечирмайди эл.

Шу билан бирга, сўз баъзан ўткир курул ва ҳақоният тиги сифатида ҳам гавдаланади. “Яна тил ҳақида” шеърда сўз ўзининг майин, лирик табиатидан чиқиб, кескин ва ҳимоячи қиёфага қиради:

Бир қутлуғ насиба бугдой сўзларим,
Кўксингни кўтаргай тўғдай сўзларим,

Она тилин писанд этмаганларнинг
Қалбига санчилсин тигдай сўзларим.

Бу ҳайратланарли метафорадир: дастлаб ҳаёт манбаи бўлган бугдой ва миллий гурур рамзи бўлган туғ шаклидаги сўз, зарурат туғилганда тигга айлиб, жаҳолат ва лоқайдликка қарши кескин қара беради.

Шоирнинг ижтимоий шеърларида сўз ва ҳақиқат учун жон берган жадидлар, хусусан, Усмон Носир фожиаси кучли исён билан тасвирланади. Ҳақ сўз учун дор остига бориш “исёнкор сўз”нинг энг олий чўққисидир:

Шеър — иймон,
Совурмоқ мумкинмас елга;

Сен борсан,
Улимдан кўркмайман, Ватан,
Ассалом,
Ассалом, дорнинг оғочи!”.

Сўз бу ерда ўлимни ениб ўтган тирик виждонга, ўлдириб бўлмайдиган руҳга айланади. “Давъат” шеърда эса тил ва инсон моҳияти



ўртасидеги боғлиқлик энг кескин шаклда берилди. Тилини асрамаслик инсоний қиёфадан маҳрум бўлиш даражасига олиб чиқилади:

Тўнғиз билан бир бўлади одам,
Онасини асрамаса.

Бу кескин ва муросасиз “сўз”дир. Шоир қаламида сўз шунчаки ҳимоячи ёки курул эмас, у бутун инсониятга юзлана оладиган илохий мезондир. Тўпламда Пушкин ва Дантес фожиасига бағишланган мисраларда шоир бутун инсониятга, жаҳолат ботқоғига ботган кимсаларга қарата ўз оҳани, ўз дарди билан оҳорий (янги, бетакор) бир сўз айтади:

Эй, сўзнинг қадрига етмаган дунё,
Кимга қараялсан, кўзинг қилиб лўқ...

Бу ифода орқали шоир сўзини ва ижодкорни маҳв этдим деб ўйлаган жоҳил дунёнинг устидан қулади. У инсониятни оғоҳликка қорлар экан, жисмоний ўлим сўзини ўлдирга олмаслигини, ҳақиқий мағлубият сўзнинг, яъни илохий ҳақиқатнинг қадрига етмаслик эканлигини ҳайратланарли тарзда очиб беради. Бу муурожаат фақат бир даврга эмас, балки сўз ва руҳиятни моддийдан наст қувручи барча замонларга қаратилган буюқ исёндир.

Ғайрат Мажиidding “Оппоқ табассум” китобидеги сўз шунчаки муомала воситаси ёки бадий тасвир объекти эмас. У кўнглининг оташи, юракнинг ёниши ва аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган мангу зиёдир. У гоҳ қалбни тилгуччи нола, гоҳ миллатнинг уйғоқ виждони, гоҳида эса жаҳолатга қарши исёнкор тиг бўлиб майдонга чиқади. Бу икки маънонинг (луғавий сўз ва ирфоний ёниш) мукамал бирлашуви шоир шеърятига ўзига хос ҳарорат бағишлайди ва китобхонни ҳар бир мисра қатидеги яширин оташни ҳис қилишга, энг муҳими, сўзнинг қадрига етишга ундайди.

Абдулла ЎРОЗБОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

Очиғини айтганда, ижодкорнинг чин умри у дунёдан ўтгандан кейин бошланади. Чунки тирикликда барча қатори ижодкорнинг ҳам борлиги турли сабаблар билан билиниб туради. Тириклар қаторидан кетгач эса унинг бор эканини билдириш фақат битиклари кўлида қолади. Агар ижодкорнинг асарлари тирик қолганларга керак бўлса, у дунёдан ўтгач ҳам яшайверади. Агар битиклари тириклар эҳтиёжига жавоб бермайдиган бўлса, ижодкор унутилади. Шу маънода йўқликнинг синови шафқатсизроқ бўлади.

Талабчан шоир, фидойи таржимон, оташин публицист Шавкат Раҳмоннинг дунёдан ўтганига йигирма йилдан ошди. Энда: “Улдинг — ўчдинг”, — деган эшитилиши совуқ, аммо ҳаққоний гап бор. Лекин чинакам истеъдод, йирик шахсият кўп асрлик мақолни ҳам янгилаши мумкин. Асл ижодкор дунёдан ўтгач ҳам номи ўчмаслиги, унинг чин бадиий умри тана йўқликка кетгач бошланиши Шавкат Раҳмон мисолида яққол кўринади. Гарчи унинг китоблари тез-тез босилиб турмаган бўлса-да, битиклари дидли шеърхонлар томонидан энг кўп ўқиладиган поэтик асарлар сирасига киради. Умидли ёш шоирларнинг деярли барчаси шеърят майдонига Шавкат Раҳмон поэзияси орқали келиши тобора аён бўлиб бормоқда.

Умр вафо қилганда, ўтюррак шоир бу йил етмиш бешдан ҳам ошган бўларди. Яшаган қирқ олти ва ёзган ўттиз йил мобайнида ўқирман ҳамда ижодкорларнинг эътибор, эътироф ва муҳаббатини қозониш учун истеъдодли бўлишнинг ўзи етарли бўлмайди. Узгаларни чинакамига сева билган одамгина бошқаларнинг севигисига сазовор бўлади, уларни ўзига эргаштиради. Сиртдан кўзга ташланмаса-да, Шавкат Раҳмоннинг шеърятда одамга чексиз муҳаббат ёлқинлиб турарди. У, умуман, одамни, хусусан, миллатдошларини юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлган минсиз шахс сифатида кўрмоқ истади. Лекин атрофидагиларнинг ундай эмаслиги шоирда адоқсиз изтироб уйғотади. Шавкат Раҳмон шеърятда кўп учрайдиган нафрат ифодаси, аслида, оташин муҳаббат берган мевалардир.

Ижод тажрибасидан маълумки, асл шеърят муҳаббат ёки нафратдан туғилади. Шавкат Раҳмон битиклари аксар ҳолларда адолатсизлик, ёвузлик, хунуклик, олчоқлик ва хиёнатга адоқсиз нафрат туфайли пайдо бўлган. Шу боисдан улар — жисми таловчи оғриққа, пўртанавор руҳий тўлғоқлар ва шамширдай кескир фикрлар ифодасига тўла. Унинг шеърлари ўқирманга ором бермайди, уни ўйга толдиради, изтиробга солади, руҳий оғриқларга дучор қилади.

У 1975 йилда ёзган бир шеърдаёқ дарду оғриқсиз, яъниким юраксиз яшайдиган одамга нафратини билдирган эди:

**Кўзингизни очинг, кўркманг,
Зўбдан қамашсин, оғрусин, майли,
Майлига яшамак бўлсин қийнроқ
Очиқлиги туфайли.**

Кишилиқнинг муаммоларини кўрмаслик учун кўзини юмиб яшайдиган оғриқроқ жиноят йўқ шоир назарида. Шунинг учун шеърнинг давомида у, оғриқнинг зўридан тун бўйи инграб ётадиган шоир, оғриқларини “оғриқсиз юзларга отиб” юракларини уйғотишини таъкидлайди.

**Зулфиқор руҳ керак,
Керак чин ёғду,
Чин ишқ ёлқинлари бағримга тўлсин,
Жисминни тобласин фақат чин оғриқ,
Чечаклар қоп-қора бўлса-да, бўлсин...**

Чин сўз, чин туйғу, чин амалларга доимий интиқлик чин шоирлик белгиларидандир. Юқоридаги мисралар Шавкат Раҳмонни бошқа минглаб дардчил шоирларга яқин қилади. Шу билан бирга, айни шу мисралар Шавкат Раҳмон деган бадиий феноменнинг бошқалардан тамомила фарқ қиладиган жиҳатларини ҳам намёнэ этади: шоир “зулфиқор руҳ” истади. Унга шунчаки қониқмаслик, шунчаки нозилик, руҳнинг шунчаки инжиқлиги хос эмас. Шоир инсоний комиллик, одамий тўқислик йўлида катъият, эркакча амаллар лозимлигини чуқур англайди. Шу боис ҳеч қим айтолмайдики инсоннинг: “Борми эр қилар?” — дея савол қўяди. Одам эр бўлгандагина ер бўлмаслиги шоирнинг барча асарлари замирига синдирилган юксак туйғулардан биридир.

Шавкат Раҳмон шеърятини ташқи эффектларга унчалар бой эмас. Чунончи, шоир шеърларида ўзбек наъми учун одатий бўлган тўқ қофия жуда кам учрайди. Бу шунчаки тасодиф эмас. Шавкат мусиқий мутаносибликдан, киши туйғуларини аллалаб қалғитадиган назмий оҳандорликдан атай чекинади. Киши юрагига бехато етиб борадиган, кескир қиличдай теккан жойини ўйиб оладиган залворли ва қиррадор туйғуларни ўшанга монанд йўсинда ифода этади. Шеър оч қофияга бўлса, кишини аллалови мусиқийлик унчалар кучли бўлмайди. Шеърнинг сўз залвори мисралардаги умумий оҳанг оғушида йўқолиб кетмайди ва ўқувчи уни теранроқ идрок этиши имконига эга бўлади. Ш.Раҳмон битганларида товушларни уйғатиб,



ЙЎҚЛИК СИНОВИ

ёки Шавкат РАҲМОН поэзиясига бир назар

ларда қуйлашдан қаттиқ оғринади:

**Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
Бахт сўзин айтман,
Элдан кейинроқ.**

Шавкат Раҳмоннинг одамлик ва одамийлик даражаси билан келишмай яшади. Менимча, у одам сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам жангари эмас, лекин муросасиз эди. Шу боис унинг битганларида чиркинликка исён, уни инкор қилиш; ёруғлик, тозаллик ва юксаликка интилиш кучли эди. Унинг зулфиқор руҳга интиқлиги шундан.

Шавкат Раҳмон излаган, қўним топган зулфиқор руҳ манзиллари ҳақида фикрлаш кишини унинг мураккаб шеърятини бир қадар англаш имконини беради. У шеърятга ҳеч қачон кўнгли эрмаги, руҳнинг инжалиқларини намёнэ этиш воситаси, деб қарамаган. Унинг учун шеърят ҳаёт-мамонт масаласи эди. Шоир ўзининг зулфиқор руҳи бош уриб борадиган маконлар: кўнгли, миллат, Ватан сингари манзиллар ҳақида ёниб ёзарди.

Шоир кўнгли ювилмагунча, покланмагунча одам ўзгармаслигини, одам ўзгармагунча олам тароватли бўлмаслигини туйгани боис ёзади: “Бир ёмғир истарлар, ғассол истарлар...”. Ўз кўнглини поклаб юксалтирмаган миллатнинг юксалиши мумкин эмас. Одамнинг одамлигини, элнинг элчилигини кўнгли мартабаси ҳал этади. Шавкат Раҳмон кўнглининг ўлмаслигини, абадийлигини шундай ифодалайди:

**Мендан нима қолур,
Абадий нурлар
Барқ уриб яшанган дунё томонда?
Уриниб-суришиб сира тўлмаган
Бир кўнгли қолади
Қолса ҳам дендан.**

Дунёнинг мавжуд тартиботидан шоирнинг нозик кўнгли асло тўлмайди. Чунки одамзод тўла комил бўлмаган оламда шоир кўнгли тўлиши мумкин ҳам эмас. Шу боис у ўз кўнглини қондалаш қилиб бўлса-да, ўзга кўнглиларга етиб бормоқ, уларни нафсининг исқанжасидан қутқармоқ, юксак аъмоллар ҳақида ўйлашга мажбур этмоқ истади:

**Фақат ишқ...
Фақат ишқ...
Бошқаси сароб,
Бошқаси шамолнинг оний суруни, —**

деб ёзади шоир “Муножот” шеърда. Чиндан-да ўзини таниган, қалбини тафтиш қила оладиган одам учун ишқдан бошқаси, кўнглининг юксак интилишларидан ўзгаси — ўткинчи ва омонат. Аммо ҳамшишлиқ қадриятни ўткинчи ҳавасларга алмаштиришга ҳозир бўлган каслар саноксиз. Бундайлар ҳақида шоирнинг: “... тафаккур саҳибан, руҳлари сулган”, — дейиши адолатдандир. Шавкат Раҳмон фақат тирикчилик қўйига тушиб, кўнглини буткул унутган инсоннинг сезимларини уйғотишга, унинг ҳам одам эканини эслатиб қўйишга уринади: “Ўзоқроқ тикилган ўзинга, одам!” “...ахир, вужуддама, қалбдайдир қувват”. Шоирнинг кўнгли — ўта нозик ва сезгир. Шу боис ҳаётдаги жиндай адолатсизлик, андақкина зуғум уни мувозанатдан чиқаради, юрагига чандиқ қолдиради:

**...ҳақорат — хотирга санчилган найза.
Сезиман, поёнсиз қоронғиликда
Чинқириб ўсади хўрланган майса...**

Шоир истадики, кўнгли майсаси зўрлик кўрмай, шодумон ўссин. Асли шу таъсирчан, яланғоч ва ҳимоясиз кўнгли хоссалари одамни шорига айлантиради. Мўъжазгина кўнглининг дардлари, оғриқлари қанчалик улган бўлса, шоирнинг таланти ҳам шунга мутаносиб йирик бўлади. Йирик кўнглига эга бўлгани учун ҳам Шавкат Раҳмон ғурур билан:

**Маним, кичик кўнглим,
ай, шоир кўнглим,
нокаслар раъйига тушмаган, кўналим!..**

деб айта олганди. Шавкат Раҳмоннинг “зулфиқор руҳ”ияти безовталаниб изарлаган иккинчи манзилдан миллат жой олган. У “Иқроор” шеърда ёзади:

**Мен жангчи эмасдим,
мен шоир эдим,
ниҳоят шоирдан кўра зобитман,
ҳар нафас мусулмон миллатим дедим,
нафсига қуйганлар келди оқибат.
...япроқдай сарғардим буюк урушда
мусулмон йўқ эди,
йўқ эди миллат.**

Шавкат Раҳмонни шоир қилган ҳам, уни адоқсиз ғамбодалик қучоғига итқитган ҳам ўз

миллатига чексиз муҳаббат туйғуси эди. Шоирнинг туйғулари — эркакча. Унинг муҳаббати чучмал навозишлардан йироқ. Тўғри, у миллатини судяди, лекин ўйсиз, кўр-кўрона, тафтишсиз эмас. У миллатнинг хор бўлиши ҳам, юксалиши ҳам унинг ўз қўлида эканини англайди ва бу англам шоирнинг деярли барча шеърларида акс этади:

**Вой, одам,
Вой, итнинг қалта оёғи,
Кўзинда қайнайдими ажиналаринг,
Худодан сўрайман эс-ҳушим оғиб,
Тезроқ тугасайди ганжиналаринг.**

Ўзидан, кўнглидан, қадрдан беҳабар, умрини нафси йўлида ганжина қидириш ва йиғишга сарфлаган миллат итнинг кейинги ҳамда “қалта” оёғи бўлиб қолиши, бундай каслар тўдасини нафсидан бўлак нарса қизиқтирмаслиги фожиаси шоирни ўртаб юборади.

Шавкат Раҳмон ижтимоий лирикасининг энг сара намунаси бўлмиш “Туркийлар” шеърда асосий этник белгиси: бошсизлик ва бирикмаслик бўлган туркий халқларнинг фожиаси лахта-лахта қонга айланган шоир юрагининг аччиқ фарёди тарзида ифода этилади:

**Туркда бош қолмади...
қолмади доғлар...
...Тугилди,
Тугилди,
Тугилди қуллар...**

Ш.Раҳмон миллат олдига масала қўйишга, бугун ўзбекининг аждодлар тарихига муносиб яшай олмаётганлиги сабаби ҳақида ундан сўрашга, ўринли жавоб ололмагач, эли тийнатидаги иллатларни шафқатсиз тарзда очиб ташлашга ўзида куч ва ҳақ топади:

**Эй, элим,
қачондир бир гала бедил
кўксингдан дилнингни сўғурган маҳал
нега шол юзингни бурдинг тескари,
нега тирик қолдинг ичмасдан заҳар?!**

Миллий шеърятимиздаги халқ тасвирига тортилган битикларда у ҳамшиша жабрдийда, қурбон тарзида кўрсатилиши одат тусини олган бир вақтда, итоткорлик, мунглилик, бечоралик, муштипарлик миллат учун фазилат эмас, балки иллат эканини фақат уни астойдил суйган ва унинг учун чинакамига қуйган фарзандгина очик ўли олади. Шавкат миллатнинг ўзини ҳам қотил, ҳам мақтул деб билади. Чунки қуллик ўлим бўлса, қулликка кўникиш ўзига нисбатан қотилликдир. Шоирнинг ўзбекларга кейинги идраси янада каттароқ. У “Кенглик соғинчи” шеърда ёзади:

**Эй беклар,
заҳар ич — ўзбекинг қолиб,
ўзгача бўйсундинг,
ўлангнинг шулдир.
Шунданми бошида теридан қолп
Саксовул сингари майишган бўдун...**

Шавкатнинг миллат ҳақидаги шеърлари фақат мазмун кўлами билан эмас, балки ифода тарзи билан ҳам ўзига хос ва ўта таъсирлидир. Бу йўлдаги шеърларда шоир шахсиятига хос сифатлар ёрқин намёнэ бўлади. Туйғулар ўзининг энг мувофиқ ва энг маълум ифода шаклини топади. Шоирнинг миллатга қарата: “... ўлар бўлсанг, овозлардай ўл, қолар бўлсанг, энди бириккин”, — тарзидаги хитоби ўқирманни сескантиради, ҳаётининг чин маъносини ҳақида ўйлаб кўришга ундайди. Айни вақтда бу фикрларнинг ифода йўсини ҳам гоят оригинал экани билан эътиборни тортади.

Ш.Раҳмон олам манзараларини, тафаккур хулосаларини тамомила ўзига хос идрок этади. Шунинг учун ҳам:

**...эзилган нарсалар тегар гашимга...
эзилган бошларни
қилчлар кессин, —**

дея ўзбекининг кенг тарқалган машҳур мақолни инкор қилади. У ҳар бир ўзбекининг одамга муносиб тарзда мағрур бош кўтариб яшашини орузлайди. Шунга интилмаганларни кечиргиси келмайди.

Шавкат Раҳмоннинг зулфиқор руҳи безовта кезиб, сарсари излаган учинчи манзил Ватан эди. Шоирнинг Ватанга муҳаббати чегара билмайди ва у қаҳригу ундовлардан иборат эмас. У ҳаракатга, амалга қобил: “...шоир юрагини юлиб берадим, биргина Туркистон деган сўз учун”. Айни вақтда у Ватан туйғусини ўз вақтида, етарли кўламда англамадим, деб ўзидан ёзтиради, чуқур изтироб чекади. Шоир Ватанни англаш йўлида ҳеч қимни, жумладан, ўзини ҳам аямайди. Шу боис: “Сендан-да улуг-

роқ нарса йўқлигини сочим оқарганда англадим, Ватан!” — дейди ўқинч билан. Ватан ҳақидаги тўхтам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳар киши ўз Ватанини яшаб ўтиши керак. Шоир Ватанини ичига жойлагунча, ичдан кечиргунча, уни ўз умри билан яшаб ўтгунча, сочи оқарди.

Ш.Раҳмон кўнгли, миллат ва Ватан ҳақида ҳамшиша андуҳий ёзарди. Аммо улар ёруғ манзилларга интилган неқбин солиқнинг андуҳлари эди. Шу маънода, шоир келган тўхтам айни ҳақиқатдир:

**Порлар тошга дўнган сўзларим,
порлар мангу одамий руҳим,
порлар Ҳаққа ташна кўзларим,
худо берган мангу андуҳим,
ёруғ андуҳим...**

Шавкат Раҳмон шеърларини синчиқлаб ўқиган одамга шоир тирик эканлигидан, бу ҳаётда яшаётганидан хижолат тортаётгандай туюлаверади. Бу ҳол унинг битганларида бот-бот буй кўрсатади: “Кўпроқ яшаб қўйдим, шекилли”, — дейди бир шеърда. Шоир норасо элни, нораво Ватанни ташлаб кетишга шошилиб ашагандай... Шунданмикан, киши Усмон Носирни қария сифатида кўз олдига келтиролмагани каби Шавкат Раҳмонни ҳам етмиш беш ёшли оқсоқол сифатида тасаввур қила олмади. Бутун бир миллату Ватаннинг зил дардини ортоқлаган мажруҳ кўнгли билан шунча йил йул босиш осонмас, албатта.

Кўл урган ишига астойдил киришадиган Шавкат шоиргина эмас, ҳалол ва заҳматқаш таржимон ҳам эди. Унинг заҳматқашлиги шунчалликки, ижодиға меҳр қўйган Лорканинг шеърларини олдин русчадан ўзбек тилига ўғириб кўрди. Лекин сеvimлиси Лоркани эмас, балки унинг таржимонларини таржима қилаётганидан қониқмай, атай испан тилини ўрганишга киришди. Натижада таржималарида испан шоири шеърларининг маъносининга эмас, унинг оҳанги, ифода йўсини, табиий стихиясини ҳам бера олди. Шавкатнинг айнан Лорка шеърларига муҳаббат қўйиши ҳам бежиз эмас. Чунки Шавкатнинг ўзи каби Лорка учун ҳам шеърят фақат кўнгли ололатлари ифодаси эмас, балки озошлик, эрк, гўзаллик, бахт сингари эзгу инсоний сифатларга эга бўлиш учун курашиш воситаси эди. Лорканинг: “Зиддиатли давримизда ижодкор ҳалқ қулса қулиб, йиғласа йиғламоғи, ўз бинафшаларидан воз кечмоғи, белигача ботқоққа ботиб бўлсама бинафша излаётганларга қўмақлашмоғи шарт”, — тарзидаги ёндашуви шоир Ш.Раҳмоннинг ҳам шахслик билан бўлган хос хусусияти эди. Лорка чин ижодкор ўз бинафшаси (бахти, деб ўқинг)дан воз кечиб бўлса-да, халқ бахти учун курашаётганларга ёрдам бериши керак, деб ҳисобларди.

Лорканинг деярли барча шеърларига хос табиат кўриниши билан инсон руҳияти ўртасидаги карама-қаршилиқни кўрсатиш усулига хос жиҳатларни таржимон ўзбек тилига ҳам бор холиқаси билан қўчира билган.

Ш.Раҳмон ўзини аямайдиган, зиммасидаги юкни енгиллатишни ўйламайдиган йўл аҳлидан эди. Шунгамикан, у ёлгон дунёни жуда вақтли ташлаб кетди. Аммо, ахшиямки, умр фақат яшалган йиллардан иборат эмас. Қилган маҳсулли амаллар ҳисоб экан.

Чинакам ижодкор башоратчи бўлади. У битганларида билиб-билмай, ўз қисматини башорат қилади. Сирли йўсинда гаيب олами билан туташ, аммо ерда унинг адоқсиз ташвишлари орасида яшашга маҳжум ижодкор ўзгаларни-да ўзиникидай юксак туйғулар оғушида яшашга ундайди. Хайриятки, бу оламда чексиз тўсиқларга қарамай юксак манзилларни кўзлаб яшай оладиган буюк зотлар бор. Бу серташвиш дунёнинг юки шундайлар елкасида.

Шавкат Раҳмондаги баяндо руҳ, эркин кўнгли атрофга тийрак назар билан хушёр қараш имконини беради. Руҳ уйғоқлиги, кўнгли эркинлиги шоирга қутилмаган ташбеҳларини тақдим этади. Руҳи қолигда бўлган кишининг фикри ҳам, туйғулари ҳам бўғовда ва унинг яраткилари эса қафасбон бўлади. Чунки фикр ҳам, туйғу ҳам яратқ сифатида яратувчиси даражасидан ортиқ бўлолмайди. Шавкат Раҳмон эркин руҳ кишии ўлароқ қалб қийноқлари, руҳий изтиробларига қарамай, эзгуликка умид қила олди:

**...Бироқ ерда мангу яшайдир
кўҳна юзим, ўйчан кўзларим,
демак, ўлмас бу дунёда ҳеч
худо берган эзгу сўзларим...**

Ўтюррак шоир ва дилбар шахс Шавкат Раҳмоннинг эзгу сўзлари ўзбек билан бирга мангу яшаяжак!

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
педагогика фаълари доктори,
профессор.

ТАБИАТ ТИЛСИМЛАРИ



ҚУМЛАР САЛТАНАТИДА...

Устюрт саҳросида ҳеч бўлганмисиз? Учи-кети кўринмайдиган саҳрода кучли шамол кум уюмларини бир жойдан бошқасига учиради. Ҳафта-ун кун илгарги теп-текис бўлган жойда улкан кум тепалиги пайдо бўлади. Табиат бир зумга бўлса ҳам режадан оғишмай ўз ишини давом эттираверади.

Шамол натижасида турли ажойиб шакллар ҳосил бўлган ҳудудлар кўп. Гўёки табиатнинг бу ёдгорликлари "тил"га кириб, узоқ мезгилдан сўзлагандай бўлади. Бундай антиқа шакллар Устюрт кенглигининг Қозахли деган ҳудудида жойлашган. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон давлатлари туташган нуқтада эртакмонанд кум қасрлари-ю, ҳосил бўлган антиқа шакллар киши эътиборини ўзига тортади. Улар кўп қаватли иморатларга ўхшаб кетади ва бир дара ичида жойлашган. Уша дара адоғида баландлиги йигирма тўрт метрдан зиёд, бироз энкайган, баҳайбат минораларни эслатувчи устун ҳосил бўлган.

Бу жойни маҳаллий аҳоли "Зол шаҳри" деб атайдди. Шу ўринда шамоллар туфайли ҳосил бўлган геологик ёдгорликлар мамлакатимиз ҳудудида сероб эканини таъкидлаш жоиз.

"Зол" сўзи қадимги юнон тилидан олинган бўлиб, "шамол худоси" деган маънони англатар экан. Эл орасида оғиздан-оғизга ўтиб юрадиган афсоналардан бирида айтилишича, бир вақтлар шамол худоси кенгликлар бағрига ташриф буюриб, кўплаб гўзал табиий асарларини яратган экан.

Ушбу геологик ёдгорликлар баъзи жойларда тўда-тўда ҳолда ҳам учрайди. Уларга узоқдан қарасангиз, ажойиб манзарани, яъни ярим кўрғонларни, қадимий катта ва баланд шаҳар минораларини, қасрларни, кўп қаватли ибодатхоналарни, одам ва ҳайвон гавдаларини кўргандай бўласиз.

...Уша кунни "Зол"даги бетакрор, эртакмонанд манзараларни томоша қилиб юриб, қизиқ, ажабтовур бир ҳолатга дуч келдик. Улкан минорани ёдга соладиган устунга эчкизмар ўрнашиб олибди. Унга сал яқинлашганда, танасини худди пуфакдек шиширди, тилини чиқариб "пўписа" қилди. Ундан наридаги тепалиқда қора қуш қоққан қозикадай турар, аммо жойидан жилай демасди. Ҳойнаҳой, осмон куши эчкизмарни инидаги полапонларга элтмоқчи бўлаётганди. У ердан узоқлашдик...

"Қаранг, табиат ўзи яратган буюк асарини муҳофаза қилиш асосида эчкизмарни кўриқчи этиб қолдирган кўринади", деди ҳамро-

ҳимиз Бекжурсин оға. Уша кунни тунни асрий Устюрт саҳроси кўйидаги масканда ўтказдик. Айниқса, жилвагар, сеҳргар ой чиққанида бу жойлар янада мафтункор, жозибалироқ бўлиб кетар экан.

СУДОЧЬЕ КҮЛИ БҮЙЛАБ — АЭРОПЛАНДА

Бу ҳар қандай сайёҳни қизиқтиради. Ҳар гал Орол денгизига яқин ҳудудда бўлганимда, Борсакемас туз конининг эртакмонанд манзараси-ю, миллион йиллар бурун юз берган қудратли тектоник эврилиш натижасида пайдо бўлган Чинк жарликларидидаги гаройиб шакллар кўнглимга чўғ, завоқ солади. Орол денгизининг бир бўлаги бўлган Судочье кўли баланд тепалиқдан оқариб, янада мафтункор, жозибали кўринади. Бу ажойиб манзаралардан кўз узгингиз келмайди.

Ҳақиқатан ҳам, юртимизда йилнинг тўрт фаслида томоша қиладиган ва ҳордиқ чиқара-



диган масканлар, бетакрор табиат ёдгорликлари бисёр. Улар сайёҳларда бир олам қувонч, унутилмас таассурот қолдиради. Қолаверса, бу масканнинг ўсимлиги ва ҳайвонот олами бетакрор.

Яхши биласиз, денгиз соҳилларидаги имкониятлари асосида сайёҳларни ўзига оҳанрабодек тортадиган мамлакатларга киш фаслида саёҳат қилмайди. Аммо Ўзбекистонга сайёҳлар йилнинг тўрт фаслида ҳам бемалол келиши мумкин.

Бугунги кунда сайёҳларни аэропланда учиб спорт тури ҳам жуда қизиқтиради. Негаки, ос-

мони фаалақдан, само денгизидан туриб, чор-атрофни, табиат мўъжизаларини томоша қилишнинг завқи бўлақча. Қолаверса, жаҳон туризми ривожини айна шу спорт турига ҳам узвий боғлиқ. Демак, биз Оролбўйида мазкур хизматни жорий этсак, юртимизга меҳмон бўлиб келаётган хорижликларнинг сони ошиб, валюта тушуми кўпаяди.

Мутахассисларнинг фикрича, аэроплан ёрдамида икки-уч юз километргача бўлган масофани бемалол саёҳат қилиш мумкин. Гап фақат ана шу янгиликни ҳаётга жорий этишда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм саноатини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлди. Хужжатда туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига катта имтиёзлар берилди. Ҳаво шарларини мамлакатимизга олиб келиш ҳам боғжона тўловларидан озод қилинди.

Бундан самарали фойдаланишимиз зарур. Юқорида айтганимиз — Қорақалпоғистоннинг бетакрор табиати сайёҳларни жалб этувчи ажойиб манзаралардан биридир.

"САҲРОДАГИ ЛУВР"

Қорақалпоқ халқининг амалий санъат намуналарини ўзида жамлаган музей дунёда иккинчи ўринда туради.

Ўзига хос антиқа услубда барпо этилган маҳобатли бинонинг бўлимлари, экспозициялари шу қадар кўпки, қай бирини томоша қилишни билмай қоласиз. Бу ерда юз мингдан ошиқ санъат асарлари жамланган. Ушбу маъ-

лумотни музейга борганларнинг кўпчилиги қайди этиб қўяди: "Музей бундан эллик саккиз йил муқаддам рассом, тарихшунос, коллекционер Игорь Витальевич Савицкий томонидан ташкил этилган. Молпараст (маҳаллий халқ Савицкийни шундай ном билан атаган) қорақалпоқ элида бир минг тўққиз юз эллик-инчи йилдан то бир минг тўққиз юз саксон тўртинчи йилгача истиқомат қилади. Уша кезлари у овулма-овул, ҳовлима-ҳовли юриб, аҳолидан халқ амалий санъати намуналарини йиғайди. Шу аснода унинг қалбига музей очиб истаги пайдо бўлади. Тўғри, дастлабки кезлари



одамлар бироз нотўғри тушуниб, унга ишонмайди. Кейинчалик маҳаллий аҳолининг ўзи ҳам нодир буюмларни тўплашда кўмак беради. Бугун музейдаги экспонатлар бир неча юз мингтани ташкил этади. Ҳали улар орасида бўлимларга, залларга қўйилишини кутиб ётган экспонатлар қанча!"

Қорақалпоқ халқининг амалий санъати дурдоналари дунёдаги барча коллекциялардан жозибалироқ, дея оламиз. Шунинг учун хорижликлар мазкур санъат қошонасини "Саҳродаги Лувр" дея эъзозлашади. Яъни унга "Бебаҳо тош", "Қумлар бағридаги гул" деган таърифлар берилиши ҳам бежиз эмас. Қорақалпоқларнинг ажойиб ва тақрорланмас санъат намуналарида халқнинг ўзлиги, миллийлиги ва анъаналари, тутумлари ўз ифодасини топган.

Эътиборимиз бирдан "Саукеле", яъни подшоҳ тожи жалб этди. Тожга қуёш нурида жилпонадиган қимматбаҳо дуру гавҳарлар, тошлар қадалган. У ҳар қандай одамни ўзига махлиё этиши турган гап. Ундан сал нарида савкили, яъни аёллар киядиган кўк рангдаги кўйлақ асл ҳолича сақланаётган экан. Бу кўйлақ матоси ҳам кўлда тўқилган, ҳинд диёридан келтирилган нил бўёғи ишлатилган.

Игорь Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейидан ноёб тарихий топилмалар, бетакрор хунармандчилик намуналари, атоқли рассомлар ижодида мансуб нодир асарлар муносиб жой эгаллаган. Санъат қошонаси чет давлатларда ўтказилаётган кўрғазмаларда иштирок этмоқда. Айниқса, Москва шаҳридаги Александр Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида уюштирилган "Нукус хазинаси" деб номланган кўрғазма катта муваффақият қозонди. Санъат қошонаси заллари жаҳон талабларига тўла жавоб берувчи жиҳозлар асосида таъминлангани, аждоқларимиздан мерос қадриятларнинг асл намуналари сақланаётгани туфайли бутун дунё сайёҳларини мафтун этмоқда.

ТАРИХ ДУРДОНАСИ

Уни кўриш учун Қорақалпоғистоннинг Аёзёўлига бориш керак.

Бу замин Эллиқалъа ва Беруний туманлари оралиғида жойлашган. Унда гоёт гўзал ва бетакрор ёдгорликлар ва манзаралар кўп. Ана шу маконнинг ўзида тарих ва табиат нодир нэматларининг абадий дийдорлашувини пайқагандай бўласиз. Улар бир-бирига муш-тоқдек гўё.

...Ҳайдовчи машинани ўт олдири. Бироз қиздиригач, кўзгалди. Эллиқалъа тумани маркази Бўстон шаҳридан чиққан уллов шимолий

йўналишга қараб ўттиз-ўттиз беш чақирим юрганидан сўнг, аввал яйдоқ чўл, салдан кейин Қизилкум этақлари пешвоз чиқди. Тоғ ва азамат тепалиқлар кўзга ташланди. Улкан харсангтошдан ҳосил бўлган тик деворли чўққи ҳам, унинг устига бир юз эллик, бир юз олти-миш метрча баландликда бир замонлар бунёд этилган қалъа қолдиқлари ҳам олисдан элас-элас кўзга ташланади. Ҳаёндан Аёзқалъанинг то шу кунга қадар етиб келганининг ўзи ҳам катта гап, деган ўй кечди. Қалъа тепасига пиёда чиқдик. Бироз нафасимизни ростлагач, чор-атрофга нигоҳ ташладим. Ана, қалъадан узоқ бўлмаган Қулқалъа, Қирққизқалъа, Девқалъа, Ёнбошқалъа, Қўйқирилган қалъа, Гулдурсинқалъа, Эллиқалъа сингари эллиқка яқин қалъалар ястаниб ётибди. Хуллас, рассон асарларида тасвирланган барча манзарани кўриш мумкин.



Тўққиз гектар майдонга тўртбурчак шаклда барпо этилган қалъа пойдевори ўн-ўн икки метрча келади. Узун-узун дупонлар, хоналар, отхона ва омборхонадан иборат. Уларнинг томи гўмбаз шаклида, обдан тегиб пиширилган мустаҳкам гишт билан урилган. Гўмбазларнинг устида бирийўла икки-уч киши ёнма-ён юрайдиган йўлақлар бор, кузатиш ва химояланган мўлжалланган учбурчаксимон тешиклар... Қуддадаги сув бир юз эллик, бир юз олтимиш беш метр чуқурликдан чиққан. Аслида, Аёзқалъани эгизак қалъалар сирасига киритиш мумкин. Тепадаги химоя қалъасидан ўз метрлар нарида, эллиқ-олтимиш метрлар пастликда хёёл кичик-роқ саҳнали бир кўрғон ҳам бор. Бу ерда кўшин бошлиқлари яшаган бўлиб, ҳар-ҳар замонда келувчи хон ва беклар учун хос хоналар бўлган. Қўйи Аёзқалъа, ўрта ва баланд Аёзқалъа орасидаги масофа бир чақиримдан кўп эмас. Қизиқ ҳолат, саройи лой топишнинг ўзи машаққат. У қалъа қуриш учун от ва туяларда узоқдан ташиб келтирилган. Бугун қалъа пастидида кенгликда йигирмага яқин қора уй (ўтов) лар ўрнатилган. Шунинг учун ҳам бу макондан маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг қадами узилмайди. Улар ота-боболаримиз ақл-тафаккури асосида бунёд этилган қалъаларни кўриб, ҳайратланиди.

Тарих дурдонаси ҳисобланган Аёзқалъа тарихий-меъморий ёдгорлиги дахлсиз сақлаб қолинмоғи ва синчиқлаб ўрганилмоғи лозим. Негаки, қалъа жаҳон сайёҳларининг сеvimли масканига айланиб улгурди. Бу ҳар биримизнинг кўнглимизда фахр-ифтихор уйғотади. Зеро, ўз ўтмишига бефарқ бўлмаган халқ асло завол топмас.

Улугбек ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар
уюшмалари аъзоси.

ТЎҚИЛМАГАН ҲАНГОМА

"БАНГАЛИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ"

Замонадан ўргилай! Техник ва технологик ривожланиш шиддати шу қадар тезкор кечяптики, 4-5 йил узлатда бўлиб қайтган одам ҳам ўзгаришлардан боши айланадиган даврлар келди.

Имконият ва қулайликлар — ҳар соҳада.

Узини бадий ижодга сал бўлса-да ошно билган юртдошларимиз ҳам яхши ниятлар билан телеграм каналда "Ижодимсан-ижод" гуруҳини ташкил қилишди. Наъм, наср деган ерд, нимадар қўралаган борки, ўз ижодини шу ерда бошқалар билан баҳам кўра бошлади. Унинг аъзолари вақт ўтиб анча кўпайиб қолди. Кимдир янги шеър ёзиб, гуруҳга ташласа, уни ўқиб, фикрларини айтишга, камчилик ва нуқсонлари устида ишлаб, асарни пухталаштириш бўйича маслаҳат беришга иштибоқлар учун ҳам қўлай майдон бўлди бу.

Ешгида исмидан ийманиб катта бўлган, лекин кейинчалик "исм — бу тақдир", дея шу йўналишга бош суққан Шоир ҳам кимлардан-дир гуруҳ таърифини эшитиб, ижодкорлар ҳамжамиятига қўшилди. Туғилганлик ҳақидаги расмий ҳужжатларига ота-онаси исмини шундай қайди қилдиришган эди. Шоир бўлса, шоир-да, деб, шеър ёзишга, унда-бунда мутолаа қилишга ҳаракат қилди. Тахаллус ҳам топди — Шоир Даврон! Жарандорлиги ўзига ёқди.

Ҳар кун бўлмаса-да, тез-тез янги шеърларини дошқалар билан ўртоқлашиш завқи Шоирни Баврона кўниги хотиржамлигини

инъом эта бошлади. Тўғри, битиклари савияда оксоқроқ бўлиши мумкин, лекин унга бунинг аҳамияти йўқ эди. Асосийси, ижодини ўқитар ва фикр билдиришарди.

Ижоди гуркураган папада бир кун Шоирга шахсийдан нома келди.

"Ассалому алайкум, Шоир ака. Менинг исми-мим Ҳотам, Ҳотамтой десангиз ҳам бўлаверади. Ҳотам сиз билан бир жойданман, аммо ҳозир хорижда — Бангладешда яшайман. "Ижодимсан-ижод" гуруҳида шеърларингизни маза қилиб ўқийман, кўпларини ёд олганман. Шу ерлик бир дўстим бор. Унга ижодингиз ҳақида айтгандим, таржима қилиб, маҳаллий газета-журналларга чиқармоқчи. Нима дейсиз?" Бахт қуши ҳаммининг ҳам бошига қўнавермайди.

"Албатта, Ҳотамтой. Фақат хурсанд бўлман", деган жавоб бўлди Шоирдан.

Яна нома келди: "Ака, таржимонга бироз қалам ҳақи керак — 150 доллар. Ҳисоб рақамимга ўтказиб беринг, натижа кўп куттирмайди".

Ростдан ҳам, бир ҳафтада қандайдир аж-набий тилда чоп этилган газетамиди, журнал-миди, Шоирнинг расми билан электрон саҳифа шакли шахсийсига келиб тушди.

Шоир Давроннинг қувончи тошди.

"Раҳмат, дўстим, барака топинг".

Бир-икки ўтиб, яна хат келди.

"Ака, шеърларингиз матбуотда эълон қилинган, ижодингиз мухлислари жуда кўпайиб

кетди. Сизга "Бангалистон халқ шоири" унвонини беришмоқчи".

Шоирнинг ҳаловати йўқолди, бунинг энг қўлай имконият ва эътироф сифатида қабул қилиб, ижод завқи билан жўшди.

"Хурсандчилигимни, миннатдорчилигимни қандай билдирай?"

"Ака, фақат тўғри тушуниг, бу унвоннинг озроқ харажати бор, 3000 доллар. Битта суратингизни ҳам жўнати".

Шоирнинг яйлов тўла суруви ўтлаб юрибди. Нарн бурса, 7-8 тасининг баҳридан ўтиб қўя қолади.

"Майли, ошна, 10 та қўйнинг ҳам пути эмас экан-ку".

Икки ҳафталарда сурати туширилган ва думалоқ муҳр урилиб, "халқ шоири" бўлгани тўғрисидаги гувоҳноманинг электрон шакли шахсийсига кўринди.

"Мана, ака, гувоҳномани жўнатдим. Сизга "Бангалистон халқ шоири" унвони берилди. Табриқлайман! Ижодга барака", деб ёзди Ҳотамтой.

Шоир Даврон бу пайта осмонда парвоз билан овора эди. Аста пастга қаради-да, сўради:

"Катта раҳмат. Гувоҳноманинг аслини қачон олсам бўлади?"

"Тез орада почта қилиб юбораман. Жўнатма харажатлари учун тахминан 500 доллар кетади".

"Бўлди, гап йўқ, пулни ҳозироқ жўнатаман,

тезлатинг. Яхши одам экансиз, ташаккур".

Орадан 1 йилча ўтди. Ҳотамтой ҳам, гувоҳнома ҳам исзис йўқолди. Яқинда "Ижодимсан-ижод" гуруҳида Шоир Давроннинг бир битига кўзимиз тушди:

"Азизлар, гуруҳимиздаги Ҳотамтой билан боғлана олмаяман, билган ва таниганлар бўлса, айтворинлар, илтимос, менга алоқага чиқсин".

Демак, Шоир Даврон ҳамон Ҳотамтойнинг хотамидан умидвор...

Тўғри, биз исмлар ва манзилларни ўзгартирдик ҳамда бироз бадийлаштирдик. Мақсад — замон шиддати юртимиз инсонлари феъларида акс этган соддалик, ишонувчанлик каби фазилатлардан ғараз ниятда фойдаланувчи олғир кимсаларни кўпайтириб юбораётганидан огоҳ этиш. Битикларимиздаги юмор, сатира ва ҳазиломуз иборалар ўз йўлига, лекин ҳозир жиддий битта гапни айтиш мавриди:

Жорий йил 27 январь кунини Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари шундай деди:

"Қаерда ҳаёт яхшиланса, даромад кўпайса, уша ерда "енгил пул топиш" ҳаракати бўлган жиноий тузилмалар ҳам фоллаштиб, жиноятнинг янги усул ва воситалари ҳам, энг аввало, шу ерда пайдо бўлади".

Жон кўйдириб айтилган ушбу мулоҳазалар бежиз эмас, албатта. Огоҳ бўлинг! "Енгил пул топиш" илинжидаги жиноий тузилма ва фирибгарларнинг талончилик нишонига айлиниб қолман!

Нодир МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.